

MUNDARIJA
СОДЕРЖАНИЕ
CONTENT

Кадиров Ш.Ю. Хоразм Маъмун академиясида 2014 йилда бажарилган илмий-тадқиқотлар натижалари2

МАТЕМАТИКА

Ahmedov Q., Abdullayev J., Abdullayev J., Xaytbayev S. Matematik formulalarga ko'chgan go'zallik6

БИОЛОГИЯ

Бекчанов М.Х., Мадримов Х.А. Бекчанова М.Х. Хоразм воҳаси шароитида оқиш капалаклар озукасининг ўсимликлар ҳаётий шаклига қараб тақсимланиши 10

Бекчанов М.Х., Мадримов Х.А. Хоразм воҳаси шароитида тарқалган оқиш капалакларнинг учиш динамикаси 12

Кутлиев Дж., Уринова А., Шарифов М., Шукуров О. Очистка промышленно-бытовых сточных вод с помощью микроорганизмов, высших водных растений в УДП «Мубарекский ГПЗ» .. 14

ТЕХНИКА

Бабаев З., Сапарбаева Н., Курязов З., Матякубова К. Базальтовые породы Узбекистана: некоторые особенности и перспективы использования 18

Йулдашев Н., Курамбаев Ш., Жуманиязов М., Саидов Х., Аитова Ш. Математическое моделирование процесса получения битумной композиции на основе госсиполовой смолы 21

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Машарипов А.А., Яқубова Н.Б. Табиий (ер ва сув) ресурсларни сақлашда агротехник тадбирларнинг аҳамияти 27

ТАРИХ

Баратов С. Р. Новые археологические материалы к истории Древнего Хорезма30

Вайсов А. Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти туризм инфратузилмасини ривожлантириш истикболлари..... 41

Давлетов С.Р. Чиқиндиларни бошқариш: хорижий тажриба ва миллий мақсадлар 45

Жуманиёзова М.Т. “Ичон қалъа” – тарихий-этнографик шаҳар 49

Каримов Я.А., Садуллаев Д.Х. Тупроққалъа - антик давр моддий ва маънавий маданият хазинаси 52

ТИББИЁТ

Маткаримов Х.К. Отдалённые результаты хирургического лечения гастродуоденальных перфоративных язв 55

Маткаримова Д.С., Эшчанова М., Нурметова Н. Этиопатогенетические особенности некоторых геморрагических диатезов 59

АРХИТЕКТУРА

Сетмаматов М.Б., Матчанов Ф., Хўжаниёзов Ш., Бектурдиев И. Хумбузтепа – Жанубий Хоразмнинг кулолчилик ва диний-мафкуравий маркази 63

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА 2014 ЙИЛДА БАЖАРИЛГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

Кадиоров Ш.Ю.- Хоразм Маъмун академияси раиси в.б.

Маълумки, тарихий “Дорул ҳикма ва маориф” 1004 йил хоразмшоҳ Маъмун томонидан ташкил этилган. Орадан минг йил ўтиб, 1997 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1880-сонли Фармони билан Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил қилинган. Ҳозирги кунда 5 та фундаментал, 5 илмий-амалий, 3 та инновацион ва битта ЎзФТҚҚФ лойиҳалари устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Академия таркибида 10 гектар тажриба-синов базаси, “Термитлар тарқалишини олдини олиш ва уларга қарши кураш” лабораторияси, физик-кимёвий, генетик таҳлил, дон ва дон маҳсулотлари таҳлили ҳамда микробиология лабораториялари, Хоразм тарихи ва маданияти доимий экспозицияси, ахборот-ресурс маркази, ноширлик бўлими ва кичик босмахона фаолият кўрсатмоқда. Хоразм Маъмун академияси қошида Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, Ёш олимлар кенгаши, “Кичик академия” мавжуд.

Ходимлар сони Жами: 74 нафар, жумладан: -илмий ходимлар – 44 нафар, - академиклар – 2 нафар, - фан докторлари – 6 нафар, - фан номзодлари – 24 нафар

Академиядаги асосий йўналишлар

Хоразмнинг қадимий давлатчилик тарихи, бетакрор цивилизацияси ва маданиятини ўрганиш

- Хоразмда қадимдан ривожланиб келган бой илмий салоҳиятнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётидаги ўрни масаласи.

- Хоразм меъморий ёдгорликларини биологик, физик ва бошқа турли салбий таъсирлардан муҳофаза қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш

- Воҳанинг экологик ҳолати бўйича мунтазам илмий кузатишлар олиб бориш, уни яхшилашга қаратилган илмий тавсия ва ишланмалар яратиш.

- Мавжуд ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тупроқ унумдорлигини оширишни самарали тизимини ишлаб чиқиш

- Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган қишлоқ хўжалиги ўсимликларини иқлимлаштириш орқали шўрланиш ва чўлланишнинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этиш.

2014 йилда эришилган асосий илмий натижалар

Фундаментал лойиҳалар

Хумбузтепада ҳудудидаги ибодатхона қазилмаларида олинган археологик манбалар таҳлил қилинди ва тизимлаштирилди. Стратиграфик тадқиқотлар ибодатхонанинг мил.ав. V асрга тааллуқли эканлигини яна бир бор исботлайди. Олинган ноёб манбалар илк Хоразм давлатчилигининг шаклланиши даврида кечган этник ва тарихий-маданий жараёнлар билан боғлиқ масалаларни янги тарзда ва аниқ далиллар билан талқин қилиш имкониятини беради.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ибодатхона деворининг бурчаклари миноралар билан мустаҳкамланган. Ибодатхона томи 4 та устунга таянган текис бостирмадан иборат бўлган. Унинг шимолида оташгоҳ аниқланди, атрофида ерга кўмилган хумлар, хумчалар ибодатхона маросимлари учун мўлжалланганлигини кўрсатади. Ибодатхонанинг жанубида кириш жойи – даҳлиз аниқланди. Иншоот қадимги Хоразм меъморчилиги аъналарига хос равишда барпо этилган. **(Ф1-ФА-0-17788).**

“Хоразм тарихи I-II жилдлар. (I-жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V-XV асрлар” мавзусидаги лойиҳанинг 2014 йил учун календар режаси тузилди. “Хоразм тарихи” монографиясининг II-жилд 1 қисми учун

манба ва адабиётлар тўпланиб, таҳлил қилинди. Тўпланган манбалар таҳлиллари асосида “Илк ўрта асрларда Хоразм” ва “Араблар босқини даврида Хоразм” боблари ёзилди. “Африғийлар даврида Хоразм” боби тайёрланди (**Ф1-ФА-16549**).

Комплекс Монжа-Ампер операторини ихтиёрий пюрисубгармоник функциялар учун аниқлаш масалалари ўрганилди ва операторни аниқлаш юзасидан бир конструкция ишлаб чиқилди. Ихтиёрий пюрисубгармоник функциялар учун аниқланган оператор хоссалари исбот қилинди. Плюрипотенциал назарияда максимал пюрисубгармоник функцияларни ўрганишда самарали экани аниқланди ва ушбу теорема исбот қилинди. $m - wsh$ функциялар синфи, $m\omega$ — поляр тўпламлар ва уларнинг хоссалари ўрганилди (**Ф4-ФА-0-16928**).

“Доривор ўсимликлар боғи”га Хоразм вилояти тупроқ – иқлим шароитида яхши ўсиб ривожланган доривор қашқарбеда, тешик далачой, доривор лимонўт, ортосифон (буйрак чой), ўткир (найза) баргли сано, оддий бўймодарон ва доривор мойчечак каби ўсимликларнинг уруғлари экилди. Уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, шу билан бирга, экологик, физиологик, фитокимёвий ва биокимёвий хусусиятлари ўрганилмоқда. Доривор қашқарбеданинг ер устки қисмини фитокимёвий текшириш натижасида, унинг таркибидаги кумаринлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, алкалоидлар, эфир мойи, каротиноидлар, органик кислоталар, сувда эрийдиган полисахаридлар ва аскорбин кислота мавжудлиги аниқланди. Дағал далачой ўсимлигидан олинган флавоноидлар таркибий қисми тешик далачойнинг таркибига яқинлигини кўрсатди (**Ф5-ФА-0-32013**).

Туямўйин сув омбори сувларининг тозалик даражаси лаборатория шароитида микробиологик кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинди. Сув ҳавзасида учрайдиган микроорганизмлардан асосан *Pseudomonas* ва *Bacillus* бактериялари

сувни тозалаш жараёнларида фаол иштирок этиши аниқланди. Туямўйин сув омбори (Капарас, Султонсанжар ва Ўзан сув иншоотидан), сувларининг тозалик даражаси лаборатория шароитида микробиологик жиҳатдан комплекс тарзда ўрганилди. Сувда муҳит рН 7,0 дан 7,2 атрофида эканлиги кузатилди, бу эса микроорганизмларнинг ривожланиши учун муҳитнинг кулайлигидан далолат беради. Сув омбори сувларида сапрофит бактериялар миқдори 1 мл сувда $2,5 \times 10^3$ дан $4,2 \times 10^3$ хужайрагача ошганлиги аниқланди. Худди шунингдек, ичак гуруҳи бактериялари 1 мл сувда 7 хужайрадан $4,9 \times 10^2$ хужайра атрофида эканлиги аниқланди (**Ф5-ФА-0-12186**).

Амалий лойиҳалар

Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг пахса ва хом ғишт меъморий обидалари бўйича адабиётлардан ва архив материалларидан маълумотлар йиғилмоқда, ушбу маълумотлар таҳлил қилинмоқда ҳамда обидалар бўйича “Ахборотлар банки” тўлдирилмоқда. Белгиланган қудуқлар орқали мунтазам равишда ер ости сувларининг вақт давомида ўзгариши аниқланмоқда. Ҳар бир пахсадевор обидаларининг бугунги кундаги техник ҳолатини аниқлаш мақсадида улар бўйича “Ахборотлар банки”ни тўлдириш давом этмоқда.

Тадқиқот натижалари инновация жараёни билан узвий боғланган. Олинган натижалар 2014 йил 14 мартда Хоразм вилояти худудий “Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва ишланмалар ярмаркаси”да намойиш этилди (**А4-ФА-0-21074**).

Техника адабиётларида келтирилган ички ёнув двигателлари ва бошқа механизмларда қўлланилаётган совутиш ускуналари, агрегатлари конструкциялари таҳлил қилинди. Совутиш ускунасининг совитувчи жисм хоссаларига боғлиқлиги ўрганилди. Уларнинг қўлланилиш соҳалари, бир-биридан фарқи, камчиликлари ўрганиб чиқилди. Ташқаридан иссиқлик бериладиган двигатель (ТИБД) учун ишчи жисмни совуткичи сифатида фойдаланилиши режалаштирилган радиатор агрегатини

асосий параметрларини хисоблаш методикаси ишлаб чиқилди. **(ҚА-3-028)**.

Танлаб олинган, қимматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлиги юқори бўлган Ёнбош, Яксарт, Туркистон, Аср ва Дўстлик кузги буғдой навлари ҳамда назорат сифатида Краснодарская – 99 нави ўзаро таққосланди. Маҳаллий шароитларда яратилган буғдой навлари ўзининг қимматли хўжалик белгилари бўйича четдан келтирилган навлардан қолишмаслиги исботланди. **(А9-ФА-12536-ФА-Т141)**.

2013 йилда лойиҳа иши бўйича пахта ҳосилидан жами 1700 та якка танлов йиғиштириб олинди. 2014 йил январь ойида олинган ҳар бир якка танловдан 6 та летучкалар олиниб алоҳида конвертларга солинди ва кўсак оғирлиги ўлчанди. Февраль ойида лаборатория шароитида чигит оғирлиги, тола узунлиги, тола чиқиши ва ҳосилдорлик бўйича анализлар ўтказилиб 34 – 35 мм дан юқори бўлган якка танловлар экиш учун алоҳида ажратиб қўйилди. Ҳозирги кунда ғўзанинг Дархам нави ва янги тизмалардан истиқболли ҳамда рақобатбардош навлар яратиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Ғўзанинг янги Дархам нави ҳамда 2014 йилда Давлат нав синаш шаҳобчасига биринчи босқичли синов шарти билан Грунтконтролга қабул қилинган ғўзанинг янги Хурма нави тажриба далаларига экилди. Шунингдек, Л-86 кам баргли тизмаси, Л-1606 кўшқатор учун мўлжалланган ва бошқа қимматли хўжалик белгилари билан амалий қизиқиш уйғотувчи тизмалар экилди. **(А8-ФА-0-28959)**.

Инновация лойиҳалари

Янгиариқ туманидаги қум захираларидан рангли шиша олишга оид адабий манбалар жамланиб маълумотлар базаси шакллантирилди, қум ва бошқа маҳаллий хом-ашёлар асосида рангли шиша таркиби ишлаб чиқилди ва тажриба синов намуналари олинди. Маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида инновацион таклиф ишлаб чиқилди. Ишланма вилоятимизда

ўтказилган VII инновацион ғоялар, ишланмалар, технологиялар худудий ярмаркасида намоиш қилинди ва Хоразм вилояти ҳокимлиги, тадбиркорлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. **(И7-ОТ-0-33505)**

Хумбузтепа ёдгорлигининг тарихи ва унинг географик ўрни, ўтказилган археологик тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар тўпланиб, қиёсий ўрганилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, ёдгорликни консервация қилиш ва енгил конструкция усулида ёпиш мақсадида чизмалари тайёрланди **(И1- ФА-0-14599)**

Энтомопатоген замбуруғини лаборатория шароитида маҳаллий хом ашёлар асосида кўпайтириш усуллари танлаб олинди. Танланган озуқа муҳитларда энтомопатоген замбуруғлар кўпайтирилиб, улардан термитлар учун хўрақлар тайёрланди. Бу ем-хўрақлар Хива “Ичон қалъа” давлат музей кўрикхонаси тасарруфидаги Абдурасулбой мадрасаси ва Хива туман Янгиобод шаҳарчасидаги хонадонларда қўлланилди. Ем-хўрақ қўлланилган жойлардан нобуд бўлган термитлар келтирилиб, намли камераларга қўйилди. Танасида энтомопатоген замбуруғ ўсган термитлардан лаборатория шароитида энтомопатоген замбуруғининг мицеллийлари ажратиб олинди. Юқорида келтирилган тартибда озика муҳити тайёрланиб, Петри ликопчаларига энтомопатоген забуруғини кўпайтириш учун экилди **(5-ФА-0-15516)**.

Хоразм Маъмун академияси олимлари илмий изланишларни умумлаштириш, амалиётга жорий этиш ва долзарб минтақавий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ал-Хоразмий номидаги УрДУ, ТошТА Урганч филиали, ТАТУ Урганч филиали, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ, Тошкент Давлат аграр университети ва бошқа илмий марказлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Хоразм Маъмун академияси ҳомийлигида академик-лицейлар ва ўрта мактабларда кадрлар тайёрлаш бўйича шартномалар асосида УрДУ қошидаги 2-сон академик-лицей, 4 сон академик лицей, Хива шаҳар

иктидорли ўқувчилар мактаби, Урганч шаҳридаги 21-сон тарих фанига ихтисослашган мактаб, Хива қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ҳамда Хива педагогика коллежида илмий ходимлар дарс беришмоқда. Академия қошида ёшларни илм-фанга жалб этувчи “Кичик академия” фаолият юритмоқда.

Академия ходимларидан 16 нафари олий ўқув юртларида, 2 нафари академик лицейда ва 3 нафари касб-хунар коллежида таълим-тарбия беришмоқда. Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари томонидан турли мавзуларда олий ва ўрта-махсус билим юртлари, мактаб ва жамаот ташкилотларида 100 дан ортиқ анжуманлар, давра суҳбатлари ва кечалар ўтказилди. Бу учрашувлар

давомида талабалар, ўқувчилар ва академия илмий ходимлари фаол қатнашдилар.

Фан ва таълим интеграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хоразм Маъмун академияси ва Урганч Давлат университети ўртасида 2010-2015 йилларга мўлжалланган 6 та шартнома тузилган. Шартномаларда илмий, ўқув, маънавий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик, илмий ахборот алмашиш, томонлар имкониятларидан фойдаланиш (АРМ, лабораториялар, музей), қўшма семинарлар, конференциялар ўтказиш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш кўзда тутилган.

MATEMATIKA

MATEMATIK FORMULALARGA KO'CHGAN GO'ZALLIK

Ahmedov Q., Abdullayev J., Urganch davlat universiteti Fizika-matematika fakulteti o'qituvchilari, Abdullayev J., Xaytbayev S. – Urganch davlat universiteti talabalari

Annotatsiya: ushbu maqolada yaproqli gullar va uning matematik formulalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: lemniskata, sikloida, kardioida, figura, koordinatalar sistemasi, o'lchash, egri chiziq

Аннотация: в этой статье приведены листовые цветы и их математические формулы.

Ключевые слова: лемниската, циклоида, кардиоиды, фигура, система координат, кривая

Abstract: the article is devoted to the art of mathematical formulae those are called leafy flowers.

Key words: lemniscates, cycloid, cardioids, figure, coordinate system, curve

Matematikaning o'ziga xos jozibasi, maftun qiluvchi sehri borligi yaxshi ma'lum. Bu jihatdan uning adabiyot va san'atga, ayniqsa musiqaga yaqinligi bor. Matematikaga bo'lgan iqtidor she'rga, cholg'uga bo'lgani kabi erta namoyon bo'lishi va rivojlanishi, so'ng bir umrlik muhabbatga aynalib ketishi mumkin.

Tarixiy taraqqiyotda arifmetika va geometriyaning o'rni tushunarli-matematikaning bu ikki sohasi odamlarning hayotiy ehtiyojlari tufayli tarkib topgan.

Matematiklar o'zlarining fani haqida so'z ketsa, uning go'zalligi bilan faxrlanishadi, "chiroyli teorema", "ajoyib formula", "nafis isbot" kabi iboralarni qo'llashadi. Agar matematikaga nafosat xos bo'lsa, u nimada namoyon bo'ladi, degan savol tug'ilishi tabiiy. Har qanday go'zallik tushunchasi subyektiv tabiatli bo'lgani kabi matematikadagi nafosat kishining didiga, nuqtai nazariga bog'liq – bir matematik uchun chiroyli bo'lib ko'ringan formula

boshqasi uchun quruq va jo'n tuyulishi mumkin. Shunday bo'lsa-da, tarixiy misollar yordamida matematikadagi nafosat haqida tasavvur berishga urinib ko'ramiz.

Ma'lumki, matematikada shunday ifodalar borki, ular orqali hayotiy go'zallikni tasvirlashi mumkin. Biz quyida shulardan ayrimlarini keltirib o'tamiz:

Qutb koordinatalar sistemasida $\rho = a \cos n\varphi$ ko'rinishda berilgan egri chiziq „n“-yaproqli gul deyiladi. $n=1,2,3$ bo'lganda mos ravishda „1“-yaproqli, „2“-yaproqli „3“-yaproqli gul bo'ladi.

$a=1$, $n=1$ bo'lganda $\rho = \cos \varphi$ ko'rinishidagi „1“-yaproqli gulning grafigini ko'ramiz. Tenglamani qutb koordinatalar sistemasidan Dekart koordinatalar sistemasiga o'tamiz.

„1“-yaproqli gul. „1“-yaproqli gulning grafigini dekart koordinatalar sistemasida chizish qulay. $\rho = \cos \varphi$,


$$\rho^2 = \rho \cos \varphi \quad \rho = \sqrt{x^2 + y^2} \quad \text{va}$$

$$x = \cos \varphi \quad y = \sin \varphi \quad \text{ga ko'ra}$$

$$x^2 + y^2 = x \quad , \quad \left(x - \frac{1}{2}\right)^2 + y^2 = \frac{1}{4}$$

markazi $\left(\frac{1}{2}; 0\right)$ va radiusi $R = \frac{1}{2}$

bo'lgan aylana tenglamasini hosil qilamiz va grafigini chizamiz.




„2“-yaproqli gul. $a = 1, n = 2$

bo'lganda $\rho = \cos 2\varphi$ ni yani „2“-yaproqli gul grafigini chizamiz.

$$\cos 2\varphi \geq 0, \quad \pi k - \frac{\pi}{4} \leq \varphi \leq \frac{\pi}{4} + \pi k,$$

$$k \in \mathbb{Z},$$



$k = 0$ da gulning 1-yaprog'i $-\frac{\pi}{4} \leq \varphi \leq \frac{\pi}{4}$ oraliqda yotadi, 2-yaprog'i

esa $k = 1$ da $\frac{3\pi}{4} \leq \varphi \leq \frac{5\pi}{4}$ oraliqda yotadi.

Shular kabi „3“-yaproqli, „4“-yaproqli gullarni chizish mumkin.


Lemniskata - har bir nuqtasidan berilgan ikki $F_1(-a, 0)$ va $F_2(a, 0)$ nuqta(fokus)gacha bo'lgan masofalar ko'paytmasi a^2 ga teng tekis egri chiziq.

Dekart koordinatalar sistemasidagi tenglamasi:

$$(x^2 + y^2)^2 - 2a^2(x^2 - a^2) = 0,$$

Qutb koordinatalar sistemasidagi tenglamasi:

$$\rho^2 = 2a^2 \cos 2\varphi.$$




Sikloida – qo'zg'almas to'g'ri chiziq bo'yicha sirpanmasdan g'ildirayotgan aylanaga qimirlamaydigan qilib birlashtirilgan M nuqta chizadigan tekis egri chiziq.

Sikloidaning parametrik tenglamasi:

$$x = r\left(t - \frac{a}{r} \sin t\right)$$

$$y = r\left(1 - \frac{a}{r} \cos t\right), \quad r - \text{qo'zg'aluvchi}$$

doiraning radiusi, a -doira markazidan M nuqttagacha masofa, t -parametr bo'lib, doira to'g'ri chiziq bo'yicha g'ildiraganida o'zi(yoki radiusi) qancha burchakka burilganini ko'rsatadi.




Sikloida – yunoncha *kykloides* so'zidan olingan bo'lib “doirasimon” degan ma'noni anglatadi. Sikloidaga oid dastlabki tadqiqotlarni XVI asrda italyan fizigi va astronomi G.Galiley olib borgan. Keyinroq bu ajoyib chiziq bilan boshqa istedadli olimlar: fransuz fizigi va matematigi B.Paskal, Niderland mexanigi, fizigi va matematigi X.Gyugens (XVII asr), fransuz filosofi va matematigi R.Dekart shug'ullangan.

Sikloida-tekislikda biror to'g'rii chiziq bo'ylab sirpanmay g'ildirayotgan aylana P nuqtasining chizgan egri chizig'i. Bu aylana sikloidaning yasovchisi deyiladi.

Sikloidani chizuvchi nuqta murakkab harakat qiladi: bir tomondan uning tezligi yasovchining barcha boshqa nuqtalari singari g'ildirash yo'nalishiga mos tashkil etuvchiga ega, ikkinchi tomondan - tezligi aylana urinmasi bo'ylab yo'nalgan tashkil etuvchiga ham ega, chunki aylananing boshqa nuqtalari

bilan uning markazi atrofida tekis aylanadi. Har ikki tezlik kattaliklari teng, shu bois tezlikning yakuniy \vec{V} vektori $MNRP$ rombning diagonali sifatida aniqlanadi. Shuni ko'rsatish qiyin emaski, yakuniy tezlikka perpendikulyar va P nuqtadan

o'tuvchi to'g'ri chiziq yasovchi aylananing yo'naltiruvchi to'g'ri chiziq bilan urinish nuqtasidan o'tadi; aylananing yakuniy vektori yotgan urinmasi esa yasovchi aylananing T ga diametrial qarama-qarshi S nuqtasidan o'tadi.



Sikloidaning bir talay g'aroib xossalari bor. Masalan, eng tez sirpanib tushish mumkin bo'lgan chiziq sikloida ekan. Aniqroq aytganda, agar qordan yasalgan tepalikning profili (sirtning shakli) sikloida bo'lganda boshqa har qanday profilga nisbatan tezroq sirpanib tushiladi. Bunda tashqari, sikloida ustida sirpanib harakatlanayotgan og'ir sharchaning tebranish davri uning amplitudasiga bog'liq bo'lmaydi. Bu xossadan foydalanib, X.Gyugens soat yasagan. Mayatnikni cheklab turgan bir juft ponaning har biri sikloida shaklida bo'ladi. Shunisi ajoyibki, mayatnikning uchi ham sikloida bo'ylab harakatlanadi.


Kardioida – radiusi $OM = a$ bo'lgan aylana radiusi xuddi shunday bo'lgan qo'zg'almas aylanaga tashqi ravishda urinib sirg'anmasdan g'ildiraganida undagi biror M nuqta chizadigan tekis egri chiziq.
Qutb koordinatalar sistemasidagi tenglamasi:



$$\rho = 2a(1 + \cos \varphi)$$

Dekart koordinatalar sistemasidagi tenglamasi:

$$(x^2 + y^2 - 2ax)^2 = 4a^2(x^2 + y^2)$$

Bundan kardoidaning 4-tartibli algebraik chiziq ekanligi kelib chiqadi.





Kardioidani juda nafis va hamda kutilmagan tarzda nomoyon qilish usuli ham bor.

Chashkaning bir cheti bitta nuqtasida esa yorug' lampochka akslanayapti deb tasavvur qiling. Chashkaga akslangan yorug'lik nurlarini ko'rsatadigan qora qahva quyilgan bo'lsa, natijada yorug'lik nurlari quyuqlashgan chiziq kardioida bo'ladi. Kardioida so'zi yunoncha *Kardia* -"yurak" *eidos* -" ko'inishi " degan ma'noni bildiradi.

Adabiyotlar:

1. Полия Г., Сеге Г. Задачи и теоремы из анализа, Часть I. – М.: Наука, 1978.
2. Madrahimov R., Abdullayev J., Kamalov N. Masala qanday yechiladi? – Urganch: UrDU noshirlik bo'limi, 2013.

БИОЛОГИЯ**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ОҚИШ КАПАЛАКЛАР ОЗУҚАСИНИНГ ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИЙ ШАКЛИГА ҚАРАБ ТАҚСИМЛАНИШИ**

Доцент Бекчанов М.Х., Мадримов Х.А., Бекчанова М.Х. - Урганч давлат университети ўқитувчилари

Аннотация: мақолада Хоразм воҳаси шароитида оқиш капалаклар озуқасининг ўсимликлар ҳаётий шаклига қараб тақсимланиши баён қилинган.

Калим сўзлар: фитобионт, дендробионт, тамнобионт, хамебионт, хортобионт

Аннотация: в статье изложена уровни пищевой специализации белянок. и жизненная форма растений в условиях Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: фитобионт, дендробионт, тамнобионт, хамебионт, хортобионт

Abstract: in the article allocation of food specialization of white butterflies according to the life form of plants of the Khorezm oasis is reported.

Key words: phytobiont, dendrobiont, tamnobiont, hamebiont, chortobiont

Кириш. Ўзбекистон Республикаси, жумладан Хоразм воҳасининг табиати, айниқса ландшафтлар ҳамда биохилма хиллиги бизнинг миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Бу бойлик бир неча миллион йиллик эволюция давомида юзага келган, десак муболаға бўлмайди. Ушбу бойлик ажодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Ҳозирги кунда инсоният олдида табиатни сақлаб қолиш, бу меросни авлодларга хилма хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида бир қанча биоиклимий ўлкалар билан туташган ҳудудда жойлашганлиги унинг ҳайвонот олами ниҳоятда ранг-баранглигини белгилайди. Чўл ва саҳролардан иборат кенг текисликлар, тоғ даштлари, ўрмонлар,

яйловлар, тўқайзорлар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтлар – буларнинг ўзига хос фаунистик мажмуаларга эга экзотизимларни ташкил қилади.

Бу ўлкада Турон ва Туркистон эндемик ва автохтон турларнинг аҳамияти катта. Шу билан биргаликда тарихий ўтмишда бу ўлкада Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларидан Ҳинди-Хитой, Ўрта ер денгиз атрофларидан, Евросиё чўлларида кириб келган ҳайвон гуруҳларининг ҳам муайян ўрни мавжуд. Фаунамизнинг бир қисми эса узоқ Шарқ, Кавказorti, Европа ва Америкадан олиб келиб иқлимлаштирилган ёки тасодифан келиб қолган турлардан иборат.

Илмий ишнинг методикаси. Хоразм воҳасида тарқалган оқиш капалакларни тутиш, йиғиш, ҳисобга олиш ва йиғилган материалларга қайта ишлов бериш ҳамда уларнинг озуқавий муносабатини ўрганишга қаратилган. Бунда оқиш капалаклар баҳор, ёз мавсумида (март-июль) кузда (сентябрь-ноябрь) ва қисман қиш фаслида йиғилди.

Илмий ишнинг услуби. Ҳозирги кунда ҳашаротларни илмий асосда ўрганишнинг янги замонавий усуллари ва услублари яратилмоқда. Аммо мазкур илмий иш анъанавий умумэнтмологик усулларда олиб борилган. Бундан ташқари илмий изланишларда бир қанча адабиётлар ҳамда атласлардан, жумладан: Герасимов, 1951; Лавров, 1922, 1936; Ламперт, 1913; Ҳамроев, 1992; Patocka Jan, 1954; дан фойдаланилди.

Илмий ишнинг натижаси. Хоразм воҳаси оқиш капалакларнинг озуқа ихтисослашиши, яъни қуртлари озикланадиган ўсимликларининг ҳаётий шаклига қараб, қуйидаги 4 та фитобионт гуруҳларга ажратилди.

1) дендробионтлар – дарахтларда яшовчилар:

а) нина барглилар;

б) кенг барглилар;

2) тамнобионтлар – буталарда яшовчилар;

3) хамебионтлар – чала бута ва бутачаларда яшовчилар;

4) хортобионтлар – ўт-алаф ўсимликларда яшовчилар.

Бундан ташқари, ҳар хил спектрда жойлашишига қараб қулай бўлиши учун аралаш вариантларга ҳам ажратилди.

• *Дендротамнобионтлар* – дарахт ва буталарда яшовчилар;

• *Тамнохортобионтлар* – буталар ва ўт-алаф ўсимликларда яшовчилар;

• *Хамехортобионтлар* – чалабута, бутача ва ўт-алаф ўсимликларда яшовчилар;


• *Дендрохортобионтлар* – дарахт ва ўт-алаф ўсимликларда яшовчилар.

Ҳашаротларнинг яшаш жойи ва уларнинг ўсимликлар танасида учрашига қараб, ўрганилаётган оқиш капалаклар оиласи вакиллари қуйидагича фитобионт гуруҳларга ажратилди.

Фитобионт гуруҳлар	Турлар сони	Фоиш (%) ҳисобида
Дендротамнобионт	2	16.6
Хамебионт	1	8.3
Хамехортобионт	1	8.3
Тамнохортобионт	1	8.3
Хортобионт	7	58.3
Жами:	12	100

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Хоразм воҳаси оқиш капалаклари қуйидагича тақсимланди. Дендротамнобионт *Aporia crataegi L;* *Colias myrmidone Esp.* 2 та = 16.6% Хамебионт *Colias palaeno L.* 1 та = 8.3% Хамехортобионт *Colias croceus Geof in Four.* 1 та = 8.3 % Тамнохортобионт

Colias hyale L. 1 та = 8.3% Хортобионт *Zegris fausti Chr;* *Pieris brassicae L;* *Pieris napi L;* *Pieris rapae L;* *Pontia daplidice L;* *Colias chrysotheme Esp;* *Colias erate Esp.* 7 = 58.3%. Ўсимликларнинг ҳаётий формаларига боғлиқ ҳолда яшайдиган турлар энг кўп учраганлари Хортобионт 7 = 58.3 лардир.



Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг ўсимликлар ҳаётий шаклига қараб тақсимланиши

Хулоса. Хортобионт турлар 58.3 %, энг кўп миқдорни ташкил қилди, кейинги навбатда 16.6 % билан Дендротамнобионтлар, ундан кейинги ўринларда Хамехортобионтлар 8.3 %, Тамнохортобионтлар 8.3%, Хамебионтлар 8.3 % ни ташкил қилиши кузатилди.

Адабиётлар:

1. Алимжанов Р.А., Бронштейн Ц.Г. Беспозвоночные животные Зарафшанской долины. – Ташкент: Изд. АН Уз., 1956. - с. 254-259.
2. Гофман Э., Холодковский Н.А. Атлас бабочек Европы. - С.П. Издание А.Ф. Дефриена. 1893. - с.114-224.

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА ТАРҚАЛГАН ОҚИШ КАПАЛАКЛАРНИНГ УЧИШ ДИНАМИКАСИ

Мадримов Х.А., Бекчанова М.Х. - Урганч давлат университети ўқитувчилари

Аннотация: мақолада оқ капалаклар (*Pieridae*, *Lepidoptera*) оиласига мансуб капалакларининг учуши динамикаси ўрганилди.

Калим сўзлар: динамика, диапауза, онтогенетик, фаза, ғумбак, личинка, эмбрионал

Аннотация: в статье изложены результаты изучения динамики лёта бабочки белянки (*Pieridae*, *Lepidoptera*).

Ключевые слова: динамика, диапауза, онтогенетик, фаза, куколка, личинка, эмбрион

Abstract: in the article the results of studies on the flight dynamics of the white butterflies (*Pieridae*, *Lepidoptera*) are presented.

Key words: dynamics, diapause, developmental biology, phase, pupa, larva, embryo

Кириш. Табиат ўзининг мўжизалари ва инъомлари билан инсониятни қадим-қадимдан таажжубга солиб келмоқда. Шулар жумласига мисол қилиб капалаклар энтомофаунасини келтириш мумкин. Бу ажойиб мўъжизакор ҳашаротлар беихтиёр инсон диққатини ўзига жалб қилади.

Тангачаканотлилар туркумига 150 мингдан ортиқ тур капалаклар киради. Кўриниши жиҳатдан бу капалаклар ҳайрон қоларли даражада хилма-хил. Инсон буларни хотирасида сақлай олиш даражасида эмас, чунки улар қизил ёки сариқ, оқ ёки қорамтир, катта ёки кичик бўлиши билан бирга, кундузи ёки кечаси учади.

Мамлакатимизда ҳам бу ажойиб тангача қанотли ҳашаротларни ўрганиш борасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тангача қанотлилар туркуми оқ капалаклар (*Lepidoptera*, *Pieridae*) оиласи турларини биоэкологик хусусиятларини ўрганиш мобайнида улар

ичида энг кучли зараркунандалари билан бир қаторда жозибадор, эстетик завқ бахш этувчи турлари ҳам учрайди.

Тадқиқот услублари ва натижалари: Шу билан бир қаторда Хоразм воҳасида оқиш капалакларнинг учуши динамикасини ўрганиш борасида ҳам бир қанча ишлар олиб борилди. Хоразм воҳасининг 22 та худудида илмий тадқиқотлар олиб борилди ва капалаклар учуши вақт бўйича таҳлил қилинди.

Хоразм воҳаси оқиш капалаклари ривожланишининг йиллик цикллари типологияси Фалькович [3, 260-281.] тақлиф қилган усул бўйича олиб борилди. Бунда диапаузалар йил фаслларига ва онтогенетик фазаларга мослаштирилди, шунингдек, йил давомидаги насллар сони аниқланди. Ўрта Волга [1, 18.] ва Юқори Ока бассейни [2, 40-63.; 4, 18] бўйича қилинган ишлардан фарқли равишда, мазкур тадқиқотда миграция ҳаётини циклининг алоҳида типидеб қаралмади, ғумбак олди фазасида ва шаклланган кўртнинг тухум қобиғи остида қишлоши эса ғумбак ва эмбрионал эмас, балки личинка шаклида қишлош варианты деб олинди.

Бундан ташқари, Хоразм воҳаси оқиш капалаклари имаголарининг нухалар сони бўйича мавсумий динамикаси ўрганилди.

Хоразм воҳаси оқиш капалаклари мавсумий учуши соатлар бўйича таҳлил қилинса, оқиш капалаклар эрталабки соат 7⁰⁰ дан 8⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида ушланган намуналарнинг умумий сони 19♂, 13♀ капалакга тўғри келади. Соат 9⁰⁰ дан 10⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 50♂, 46♀ та намуна, 10⁰⁰ дан 11⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 67♂, 74♀ та намуна, 11⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 97♂, 95♀ та намуна, 12⁰⁰ дан 13⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 104♂, 98♀ та намуна, 13⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 85♂, 94♀ та намуна, 14⁰⁰

1- жадвал

Оқиш капалакларнинг соатлар бўйича ушланган намуналари

№	Турларнинг номи	Ушланган умумий сони	Оқиш капалак имаголарининг учуш фаоллиги									
			7 ⁰⁰ - 8 ⁰⁰	9 ⁰⁰ - 10 ⁰⁰	10 ⁰⁰ - 11 ⁰⁰	11 ⁰⁰ - 12 ⁰⁰	12 ⁰⁰ - 13 ⁰⁰	13 ⁰⁰ - 14 ⁰⁰	14 ⁰⁰ - 15 ⁰⁰	15 ⁰⁰ - 16 ⁰⁰	16 ⁰⁰ - 17 ⁰⁰	
1	<i>Aporia crataegi</i>	2♂ 3♀	0♂ 0♀	0♂ 1♀	0♂ 1♀	2♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 1♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	
2	<i>Zegris fausti</i>	2♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	1♂ 0♀	0♂ 0♀	1♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	
3	<i>Pieris brassicae</i>	60♂ 72♀	5♂ 7♀	6♂ 9♀	8♂ 10♀	13♂ 10♀	9♂ 12♀	10♂ 8♀	7♂ 10♀	2♂ 3♀	0♂ 3♀	
4	<i>Pieris napi</i>	8♂ 23♀	0♂ 0♀	1♂ 0♀	4♂ 0♀	0♂ 7♀	0♂ 10♀	0♂ 5♀	1♂ 1♀	2♂ 0♀	0♂ 0♀	
5	<i>Pieris rapae</i>	156♂ 88♀	9♂ 6♀	20♂ 16♀	25♂ 8♀	25♂ 16♀	23♂ 20♀	30♂ 4♀	12♂ 10♀	8♂ 3♀	4♂ 5♀	
6	<i>Pontia daplidice</i>	10♂ 35♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	1♂ 0♀	0♂ 7♀	5♂ 10♀	0♂ 9♀	2♂ 5♀	2♂ 1♀	0♂ 3♀	
7	<i>Colias croceus</i>	14♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	3♂ 0♀	5♂ 0♀	1♂ 0♀	3♂ 0♀	2♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	
8	<i>Colias chrysotheme</i>	9♂ 15♀	0♂ 0♀	1♂ 0♀	1♂ 3♀	2♂ 3♀	3♂ 4♀	0♂ 3♀	2♂ 2♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	
9	<i>Colias erate</i>	91♂ 111♀	0♂ 0♀	4♂ 10♀	11♂ 18♀	10♂ 21♀	38♂ 10♀	19♂ 22♀	9♂ 10♀	0♂ 14♀	0♂ 6♀	
10	<i>Colias hyale</i>	125♂ 181♀	5♂ 0♀	13♂ 10♀	10♂ 32♀	15♂ 30♀	25♂ 28♀	11♂ 39♀	11♂ 20♀	22♂ 11♀	13♂ 11♀	
11	<i>Colias palaeno</i>	7♂ 3♀	0♂ 0♀	2♂ 0♀	0♂ 0♀	3♂ 1♀	0♂ 0♀	1♂ 2♀	1♂ 0♀	0♂ 0♀	0♂ 0♀	
12	<i>Colias myrmidone</i>	38♂ 12♀	0♂ 0♀	3♂ 0♀	4♂ 2♀	21♂ 0♀	0♂ 4♀	10♂ 1♀	0♂ 3♀	0♂ 0♀	0♂ 2♀	
	Жами:	1065	522♂ 543♀	19♂ 13♀	50♂ 46♀	67♂ 74♀	97♂ 95♀	104♂ 98♀	85♂ 94♀	47♂ 61♀	36♂ 32♀	17♂ 30♀
	%	♂	49%	59%	52%	47%	51%	51%	47%	43%	53%	36%
		♀	51%	41%	48%	53%	49%	49%	53%	57%	47%	64%

дан 15⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 47♂, 61♀ та намуна, 15⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача вақт оралиғида 36♂, 32♀ та намуна, 16⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида эса 17♂, 30♀ та намуна йиғишга эришилди.

Оқиш капалакларнинг учуш фаоллигининг юқори чўққиси эрталабки соат 10⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача эканлиги кузатилди.

Бу вақт оралиғида *Pieris brassicae*, *Pieris napi*, *Pieris rapae*, *Pontia daplidice*, *Colias erate* ва *Colias hyale* капалаклари бир мунча кўпроқ миқдорда учраши кузатилди.

Хулоса. Тадқиқ қилинган капалаклардан айримлари (*Aporia crataegi*, *Zegris fausti*, *Colias croceus*, *Colias chrysotheme*, *Colias palaeno*) муҳофазага муҳтож турлар ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Сачков С. А. Эколого-фаунистический обзор чешуекрылых (Lepidoptera) Самарской луки: Автореф. дис... канд. биол. наук. / Зоол. ин-т РАН. СПб., 1996. - 18 с.
2. Сачков С. А. Сезонная динамика и годовые циклы чешуекрылых Самарской Луки // Самарская Лука. 1996. - № 8. - С.

40-63.

3. Фалькович М. И. Сезонное развитие пустынных чешуекрылых (Lepidoptera) Средней Азии и его историко-фаунистический анализ // Энтомолог. обозрение. — 1979.-Т. 58, вып.

2, - С. 260-281.

4. Шмытова И.В. Эколого-фаунистический обзор чешуекрылых (Lepidoptera) бассейна верхней оки. Автореф. дис... канд. биол. наук / зоол. ин-т РАН. - СПб., 2000. - 18 с.

УДК 576.851.628.26

ОЧИСТКА ПРОМЫШЛЕННО-БЫТОВЫХ СТОЧНЫХ ВОД С ПОМОЩЬЮ МИКРООРГАНИЗМОВ, ВЫСШИХ ВОДНЫХ РАСТЕНИЙ В УДП «МУБАРЕКСКИЙ ГПЗ»

Кутлиев Дж., Уринова А.А., Шарифов М.Р., Шукуров О., *Институт микробиологии
АН РУз, Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

Аннотация: мақолада ёз мавсумида Муборак газни қайта тозалаш заводи оқава сувлари ва биоҳовуз грунтнинг микробиологик ҳолати, шунингдек микроорганизмларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: оқава сувлар, ифлослантувчилар, микроорганизмлар, нефть ва газ саноати, Муборак газни қайта тозалаш заводи

Аннотация: статья включает в себе информации о микробиологической состоянии сточных вод и грунта биопрудов УДП Мубарекского ГПЗ в летном сезоне, а также, количественных и качественных показателей микроорганизмов.

Ключевые слова: сточные воды, загрязнители, микроорганизмы, нефтегазовая промышленность, Мубарекский ГПЗ

Abstract: this article includes information about microbiological conditions of waste water and soil in Muborak gas processing plant in summer season, as well as qualitative and quantitative indicators of microorganisms.

Key words: waste water, pollutants, microorganisms, oil and gas industry, Muborak gas processing plant

Проблема очистки сточных вод нефтегазоперерабатывающих предприятий остается одной из сложных и актуальных в системе окружающей среды. Сложившаяся экологическая обстановка и состояние природоохранной деятельности в Узбекистане диктует необходимость разработки и принятия эффективных мер по рациональному природопользованию и охране окружающей среды. В настоящее время требования по охране окружающей среды ставит перед нефтегазоперерабатывающей отраслью вопрос сведения до минимума очистку сточных вод, увеличение оборотной воды, создание малоотходной технологии.

Загрязнение окружающей среды проблема, которая приобрела в настоящее время мировое значение. Специалистов глубоко волнует вопрос о загрязнении поверхностных вод, взаимосвязи биоценоза вод с химическими загрязнителями, роли микроорганизмов, микроводорослей, простейших в процессах, происходящих в водоемах при попадании в них различных химических веществ-продуктов переработки предприятий различных областей индустрии, в частности химической, нефтегазовой промышленности (1,2,3).

В Республике Узбекистан открыто 190 месторождений углеводородного сырья, из них газовых и газоконденсатных-94,

нефтегазовых, нефтеконденсатных и нефтяных-96, из открытых месторождений 47% находится в разработке (4,5), большая часть из них расположена в Бухарском, Кашкадарьинском, Сурхандарьинском вилоятах. В этих регионах наряду с нефтяными имеются богатейшие газоконденсатные месторождения. В отдельных месторождениях нефтяной залежный газ, сопровождающий нефть, бывает в растворенном состоянии или же располагается над нефтью, образуя газовую пленку. На газоперерабатывающих заводах в частности ГПЗ Мубарек основные процессы газопереработки очистки сырого газа проводятся адсорбционным методом с помощью селективного адсорбента метилдиэтиламина.

Микробиологический метод, основанный на применении специально селекционированных микроорганизмов-деструкторов является наиболее экологически приемлемым. Только бактерии способны разрушить любые химические соединения. И только после бактериальной деструкции могут развиваться другие организмы (5,6).

Исследования по биотехнологии обезвреживания сточных вод нефтегазовых предприятий с помощью активных местных штаммов бактерий-деструкторов углеводов проводятся в республике только в Институте микробиологии АН РУз.

Объекты и методы исследований:

Объектом исследования являлись азротенк, компактная установка, отбор воды из иловой площадей, где растет эйхорния и пистия, отбор воды из азротенка без растений и биопруды.

В этих образцах методом предельных разведений определяли общее количество гетеротрофных микроорганизмов с последующем высевом на рыбопептонный агар (РПА), кишечной группы бактерий на среде Эндо.

Экспериментальные исследования:

Нефтегазоперерабатывающие предприя-

тия являются источниками загрязнений почвы и воды нефтью и нефтепродуктами. Попадая в окружающую среду, углеводороды нефти оказывают негативные влияние на почвенные и водные экосистемы.

Промышленно-бытовые сточные воды чрезвычайно разнообразны по своему составу и концентрации. Кроме большого количества органических веществ, они содержат азот, фосфаты, хлориды, сапрофитные и кишечные группы бактерий. Традиционные способы обработки загрязненных стоков (методы аэрации, сорбционной или тепловой обработки) малоэффективны, энергоемки, дорогостоящи. Поэтому одним из лучших и эффективных методов очистки сточных вод считается биологический с использованием системы биопрудов.

В промышленных сточных водах в первых биопрудах развиваются специфические бактерии и только они, благодаря своим ферментативным системам, способны разлагать основные загрязнители, содержащиеся в стоках. В последующих биопрудах развиваются разнообразные виды бактерий, различные простейшие, микроводоросли, и возможно культивирование высших водных растений, как пистия телоризовидная и водный гиацинт. Растения и водоросли обогащают воду кислородом, корневая система макрофитов являются естественным иммобилизатором бактерий. Процесс очистки идет более интенсивно и в конечных (4-5 пруды) количество бактерий резко снижается (рис 1).

В течение многих лет мы проводили анализ состава и численности микрофлоры нефтезагрязненных сточных вод УДП «Мубарекского ГПЗ». Численность гетеротрофных микроорганизмов определяли методом предельных разведений, путем посева на жидкие и агаризованные среды: РПА, Раймонда, Гильята, Постгейта, Чапека (табл. 1,2).




Рис 1. Схема биопрудов Мубарекского ГПЗ

Таблица 1
Количество микроорганизмов в сточной воде УДП Мубарекский ГПЗ от 30.06.2014 г.

№	Место отбора проб	Сапрофиты	БГКП	Температура воды (°C)	Температура воздуха (°C)	рН воды
1.	Поступающая вода в 1 пруд из поля испарений	$2,6 \times 10^5$	$1,2 \times 10^4$	24	35	7,8
2.	Выходящая вода из 1 пруда	$1,3 \times 10^5$	$0,8 \times 10^4$	25	35	7,7
3.	Выходящая вода из 2 пруда	$2,5 \times 10^4$	$1,1 \times 10^2$	25	35	7,9
4.	Выходящая вода из 3 пруда	$2,3 \times 10^4$	$0,9 \times 10^2$	25	35	7,3
5.	Выходящая вода из 4 пруда	$2,0 \times 10^4$	$0,5 \times 10^2$	26	35	7,1
6.	Циркулярный канал	$4,3 \times 10^5$	$3,7 \times 10^5$	26	35	7,0
7.	Компактная установка на 200 м ³	$8,9 \times 10^5$	$2,8 \times 10^5$	26	35	7,0

Таблица 2
Количество микроорганизмов в грунтах биопрудов УДП Мубарекский ГПЗ от 30.06.2014 г.

№	Место отбора проб	Сапрофиты	БГКП	t° воздуха
1.	Грунт из 1 пруда	$7,8 \times 10^5$	$2,2 \times 10^3$	35
2.	Грунт из 2 пруда	$7,5 \times 10^5$	$1,8 \times 10^3$	35
3.	Грунт из 3 пруда	$6,9 \times 10^4$	$1,1 \times 10^3$	35
4.	Грунт из 4 пруда	$5,2 \times 10^4$	$3,9 \times 10^2$	35
5.	Грунт из выхода 4 пруда поля испарения	$4,2 \times 10^4$	$2,5 \times 10^2$	35

Микробиологические исследования, проведенные нами в 2 квартале 2014 г. в промышленно-бытовых стоках УДП Мубарекского ГПЗ показали, что общая численность сапрофитных форм микроорганизмов колеблется в очень широких пределах от $2,0 \times 10^4$ до $8,9 \times 10^5$ и кишечных от $0,5 \times 10^2$ до $2,8 \times 10^5$ клеток в 1 мл воды, а также в грунтах колеблется в пределах от $4,2 \times 10^4$ до $7,8 \times 10^5$ клеток в 1 грамме грунта.

Существенно различающиеся физико-химические условия разных станций определяют неоднородность в распределении бактерий. Там, где сбрасывают бытовые стоки с повышенным содержанием органических веществ и биогенных элементов, отмечен более высокий количественный показатель сапрофитных и кишечных форм бактерий.

Литература:

1. Практикум по микробиологии. Учеб. пособие для студ. высших учебных заведений. Под. ред. А.И.Нетрусова, М. Изд. центр «Академия» 2005, с.608.
2. Тимофеева С.С. Биотехнология обезвреживания сточных вод. Химия и технология воды 2001, №5, с.525-532.
3. Дмитриева Н.Г., Эйнон Л.О. Роль макрофитов в превращении фосфора в воде. Водные ресурсы, 1995, №5, с.101-110.
4. Ипатова В.И. Адаптация водных растений к стрессовым абиотическим факторам среды. М.Графикон-принт, 2005, 224 с.
5. Вавилин В.А., Васильев В.Б. Моделирование деструкции органического вещества сообществом микроорганизмов. М. Наука, 1993, с 202.
6. Исаева А.У., Жолдасова А.Н. Влияние растений-интродуцентов на качество воды. Вестник Каз НУ, серия биологическая, №2(48), часть 2. 2011, с.120-121.

ТЕХНИКА**БАЗАЛЬТОВЫЕ ПОРОДЫ УЗБЕКИСТАНА: НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

Бабаев З.К., Сапарбаева Н.К., Курязов З.М., Матякубова К.Ш. – преподаватели Ургенчского государственного университета

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги базальт хом-шиёсининг тарқалиши, тузилиши ва ишлатилиши имкониятлари тўғрисида қисқача маълумот келтирилган. Дастлабки хом-шиёнинг кимёвий ва айрим технологик хоссалари ўрганилиб чиқилиб, ундан фойдаланиши юқори иқтисодий самарадорликка эгаллиги қайд қилинган. Бу эса ўз навбатида кислотабардош, диэлектрик, иссиқлик изоляциялаш хусусияти юқори бўлган, нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариши имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: базальт, иссиқлик изоляцияси, ҳароратга бардошлилиги, кислотага бардошлилиги, базальт толалар, бошлангич эриш ҳарорати

Аннотация: приведены данные и некоторые особенности строения и использования базальтовых пород Узбекистана. Изучены химические и некоторые технологические свойства и установлены положительные критерии экономической эффективности использования базальтовой продукции, открывающие широкие возможности для создания новой, кислото-щелочностойкой, диэлектрической, теплоизоляционной и дешевой продукции.

Ключевые слова: базальт, теплоизоляция, температуроустойчивость, кислотоустойчивость, базальтовые волокно, начальная температура плавления

Abstract: in the article information was given about the special peculiarities of composition and usage of raw basalt in Uzbekistan. Chemical and some technological properties of the raw material were studied and its positive criteria of high economical effectiveness are determined. In

its way it makes a great opportunity in forming new, acid-resistant, dielectric, heat-insulating and inexpensive product.

Key words: basalt, heat insulation, temperature resistance, acid-resistance, basalt fiber, initial fusion temperature, melting viscosity

Как известно, базальтовые породы предназначаются для производства волокон как первичный полупродукт для получения теплоизоляционных плит, картонов, шнуров, тканей, заменителей асбеста, минеральной ваты, каменного литья, наполнителей для бетонных изделий и т.д. Узбекистан располагает богатыми базальтовыми природными ресурсами. Общий известный на сегодняшний день сырьевой запас страны по базальту составляет более 170 млн.м³, перспективные месторождения сосредоточены, в основном, в Кызылкумах, Нуратинском районе, Султануиздаге и др [1]. В Узбекистане добычей и переработкой базальтов занимаются более десяти негосударственных базальтоперерабатывающих предприятий, которые специализированы исключительно для изготовления теплоизоляционных и утеплительных материалов. Предъявляемые к этим материалам требования по основным критериям качества, таким, как огнеупорность и пожарная безопасность, температуроустойчивость, кислотоустойчивость, отсутствие газовой выделения при нагреве, низкая плотность и долговечность в условиях переменных тепловых и климатических нагрузок и т. д., должны соответствовать современным стандартам [2].

Накопленный научно-технический и производственный опыт показывает, что переработка базальтов сопровождается

различными трудностями, связанными с химическим минералогическим составом базальтов, а также высоким содержанием в почве солей, где расположены базальтовые месторождения. Содержание солей создает дополнительный пор в «базальтовой вате», который впоследствии вызывает высокую гигроскопичность, создает коррозию на рабочих поверхностях оборудования, сокращая их срок службы и снижая качество продукции. Если базальтовые породы Среднеатлантического, Африкано-Антарктического и Американско-Антарктического хребтов, долго находясь в геодинамической обстановке образования, прошли естественный процесс обогащения, то базальты Средней Азии после океанических, вулканических извержений остались на суше, что повлияло на их состав и свойства [2-3].

Проблема изучения вещественного состава и свойств базальтовой породы и ее использование в производстве для удовлетворения потребностей внутреннего рынка и получения кондиционной

продукции различного ассортимента представляет большой интерес для выпуска импортозамещающих изделий. В Узбекистане базальтовые породы встречаются в виде отдельных кусков, средний размер которых колеблется в пределах 250-:-300мм, и расположены они, в основном, на небольшой глубине, так как базальты образуют поверхностную, твердую оболочку земли. Для эффективного использования базальтовых месторождений и увеличения объема добычи базальтовых пород возможно применение усовершенствованных методов переработки базальтов, которые повысят качество изделий, будут способствовать экономическому развитию перерабатывающих предприятий базальта.

Нами в лабораторных условиях были исследованы химический состав и некоторые свойства базальтов из Айдаркульского и Султанувайсдагского месторождения в целях получения из них волокон.

Таблица 1

Усредненный химический состав (% по массе) горных пород различных месторождений.

№ п.п.	Месторождения	SiO ₂	TiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	FeO	MgO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O
1	Айдаркульское	49,05	2,83	12,49	3,98	10,25	5,37	8,54	3,34	0,65
2	Султанувайсдагское	48,2	0,60	11,8	4,12	6,20	9,15	13,3	1,45	2,25

Важными технологическими параметрами производства базальтовых волокон являются начальная и конечная температура плавления сырья. Эти величины косвенно характеризуют энергозатраты на получение расплава.

Начальная температура плавления ($t_{н.пл.}$), это температура, при которой происходит первичный расплав породы и ее прилипание к металлической поверхности пластины. Конечная

температура плавления ($t_{к.пл.}$), это температура, при которой происходит полное растекание расплавившейся породы, при этом поверхность растекшегося расплава должна быть блестящей, гладкой, без видимых кристаллических и газовых включений.

Результаты исследований, проведенных на образцах горных пород перечисленных месторождений, приведены в таблице 2.

Таблица 2

Интервал начальной и конечной температуры плавления исследуемых образцов

Месторождения	Температура, °С	
	t _{н.пл.}	t _{к.пл.}
Айдаркульское	1150	1380
Султанувайсдагское	1140	1340

Еще одним важным показателем, характеризующим пригодность пород для получения непрерывных волокон, является вязкость расплава. Этот показатель оказывает влияние на весь технологический процесс, начиная от гомогенизации расплава и заканчивая формованием волокна. Этот показатель в значительной мере зависит от температуры расплава и определяет возможность получения волокна.

Для исследования величины вязкости расплавов нами использовался стандартный вискозиметр, градуировка которого осуществлялась на образце эталонного стекла. Относительная

погрешность измерения при доверительной вероятности результатов $P=0.94$ составила 6%. При измерениях образец расплава выдерживался в исследуемом интервале температуры в течение 0,5 часа. Параллельно с измерениями вязкости устанавливалась и температура верхнего предела кристаллизации расплава (Тв.п.к.). Этот показатель характеризует верхнюю границу кристаллизации расплава при его охлаждении и определяется методом закалки. Результаты измерений перечисленных показателей приведены в таблице 3.

Таблица 3

Зависимость величины вязкости исследуемых образцов от температуры расплава и значение температуры верхнего предела кристаллизации. (Т_{впк}, °С)

Месторождения	Вязкость, дПа с, при Т, °С					Т _{впк} , °С
	1450	1400	1350	1300	1250	
Айдаркульское	142	270	470	880	1780	1250
Султанувайсдагское	36	62	102	185	360	1260

Экспериментально установлено, что высокое содержание в составе базальтов более 50% SiO₂ способствует снижению вязкости, литейного свойства расшива и повышает токопроводимость, но при этом снижает твердость самой породы. Поэтому представляет практический интерес использования базальтов Айдаркульского месторождения для изготовления кислото-щелочных плиток, работающих в агрессивных средах.

Эксперименты показали, что одним из критериев, оценивающих химические свойства базальтов, являются их

кислотоустойчивость и устойчивость в агрессивных средах. Проведенные экспериментальные исследования по определению кислотоустойчивости базальтов показывают, что наблюдается заметное влияние со стороны соляной кислоты на базальт. Данный показатель, в особенности был замечен у базальтов «Айдаркульского» месторождения. Меньше всех оказала влияние на базальт серная кислота. Во всех случаях на базальт оказывала сильное воздействие разбавленная кислота, чем концентрированная, которая возникает в результате

воздействия излишних ионов на разбавленные кислоты, которые, стараясь создать дополнительные ионные соединения при растворении базальта, пытаются изменить структуру минерала.

гические материалы времени Яздепе II Серахса очень близки комплексам архаического Хорезма и позволяют на наш взгляд видеть истоки его урбанизированной культуры, существовавшей на нижнем течении реки Теджена-Герируд.

В последнее десятилетие в 175 км к востоку от Ашхабада в 6 км к югу от селения Душак Каахкинского района, на городище Улуг-депе, расположенном на северной аллювиальной террасе предгорий восточного Копетдага, обводнявшемся водами древней реки Келет, получен богатый набор цилиндроконической гончарной посуды, покрытой красным ангобом, датированный авторами раскопок второй половиной VII в. до н.э.²⁵ и аналогичный раннему керамическому комплексу с поселения Хумбузтепа. Данное обстоятельство, на наш взгляд позволяет существенно расширить ареал распространения культуры древних хорасмиев до районов восточного Копетдага.

Археологические комплексы урбанизированного Хорезма генетически связаны с культурами расписной керамики типа Яз I и Кучук I, имевшие распространение на территории Северной Бактрии, Юго-Восточной Туркмении и Самаркандского Согда. Появившись на территории современного Хорезмского

²³ Погребения раннего архаического времени, относящиеся к оседло-земледельческому и городскому населению на территории Хорезмского оазиса пока не известны. Исследователи Хорезма предполагают, что погребальный обряд в этот период здесь мог быть таким, каким он описан античными авторами для Согда и Бактрии, при котором останки умерших могли выставляться в уединенных малопосещаемых местах. Анализ, остеологического материала, произведенный нами на поселении Хумбузтепа показал, что вместе с костями животных в слое производственных отвалов содержалось некоторое количество человеческих костей.

²⁴ Серахский оазис остается до последнего времени слабо изученным регионом. Однако его своеобразие, отличающее его от культурно-исторических районов Парфии и Маргианы и, сближающее его с архаическими комплексами

низовой Амударьи позволяет предполагать близость с Хорезмом и культуры всего бассейна р. Теджен-Герируд: Кошеленко Г.А. Серахский оазис. // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 186 – 187; Оразов О. Археологические и архитектурные памятники Серахского оазиса. Ашхабад, 1973. С. 3, 97; Марущенко А.А. Старый Серахс (отчет о раскопках 1953 г.). ТИИАЭ АН ТССР, II. Ашхабад, 1956; Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. М., 1967.

²⁵ J. Lhuillier, A. Dupont-Delaleuf, O. Lecomte, J. Bendezu-Sarmiento. The Middle Iron Age in Ulugdepe: a preliminary typo-chronological study of the Yaz II ceramic complex. // Pottery and chronology of the Early Iron Age in Central Asia. Warszawa 2013. PP. 9 – 27.

оазиса в середине VII века до н.э. материальная культура хорезмийцев, во многом сохранила близость с этими историко-культурными регионами. Близкими остаются традиции фортификационного, культового и жилого архитектурного зодчества, технология керамического производства, аналогичны большинство типов и форм керамических сосудов.

Отличительной особенностью керамических изделий, производимых древними хорасмиями, является покрытие их стенок ангобом красного цвета, что отличает их от однотипных комплексов Северной Бактрии и Согда.

Ведущие исследователи керамических комплексов неоднократно обращали внимание исследователей-археологов на то, что различия в технологии отделки синхронных типологически близких керамических комплексов, локализуемых на территории разных историко-культурных регионов, могут свидетельствовать об этнокультурной особенности их производителей.

Технология покрытия керамических изделий красным ангобом на территории современного Хорезмского оазиса с середины VII века до н.э. была характерна для хорасмиев. На территории Северной Бактрии и Согда технология покрытия керамических сосудов ангобом оказалась забытой после прекращения существования культуры Сапалли в конце XIV века до н.э., не использовалась и возродилась вновь лишь в эллинистический период.

По нашему мнению, идентичность керамического комплекса, устройства оросительных систем, фортификации, а также жилой архитектуры Серахского оазиса и восточных предгорий Копетдага расположенным на территории современного Хорезма, позволяют с известной долей вероятности предполагать, что все они единое политическое объединение Хорасмиев.

Материалы археологических исследований, на наш взгляд, подтверждают сведения письменных источников,

сообщавших о хорасмиях, живших к востоку от парфов. «Легенда об Акесе», сообщенная Геродотом, безусловно, сохранила обоснованное историческое предание о хорасмиях, живших к востоку от парфов. Хорасмии по этой легенде живут на границе с долиной (Арея–Харайва), окруженной горами и эта долина некогда принадлежала хорасмиям. Сведения Скилака относящиеся к 519 – 512 гг. до н.э., о хорасмиях, живущих по направлению к востоку от парфов, по нашему мнению не являются непреодолимым противоречием. Вполне возможно, что хорасмии продолжали оставаться на этой территории и возможно, оставались связанными с Хорезмом политически.

Мы считаем, вполне вероятным предполагать, что первоначальное расселение хорасмиев могло иметь место в бассейне нижнего течения р. Теджен-Герируд, включая Серахский оазис и территорию Восточного Копетдага.

Во второй половине VII в. до н.э., возможно во время правления Киаксара, часть хорасмиев переселяется в низовья Амударьи. Легендарная традиция об их приходе в Хорезм, сообщенная Бируни и сохраненная в «Шахноме» не позволяет считать, что хорасмии были насильственно изгнаны со своих прежних территорий. Напротив, сведения Скилака о хорасмиях, живущих к востоку от парфов, может свидетельствовать о том, что эти территории и при Дарии составляли часть Хорезма. Сведения, приведенные у Стефана Византийского, которые, как полагают, восходят к Гекатею, позволяют предполагать, что именно здесь мог находиться и город Хорасмия²⁶.

Возможно, часть хорасмиев покинула свои исконные территории по причине усиления налогового бремени при Дарии, что и нашло отражение в легендарном рассказе Геродота об Акесе. Помимо хорасмиев в низовья Амударьи, спасаясь

²⁶ Пьянков И.В. Хорасмии Гекатея Милетского. ВДИ, 2 (120) Апрель – Май – Июнь, Наука, М., 1972. С. 4.

от жестоких расправ Дария после восстания, вероятно, устремлялись и многочисленные беженцы, среди которых могли быть мидийцы, парфяне и маргианцы. Вероятно, именно этим обстоятельством может объясняться синкретический характер архаической культуры низовьев Амударьи, вобравшей в себя культурные, интеллектуальные и

технологические достижения Парфии, Маргианы и Мидии.

Как известно из истории средневекового Хорезма, территория Хорасана традиционно имела для него особое значение. Правители Хорезма всегда считали важным для себя обладать этими землями.²⁷

²⁷ Подобным же образом ал-Якуби в IX в. утверждал, что «От Несы до Хорезма, если идти на восток, 8 дней пути»: Материалы по истории туркмен и Туркмении. М.–Л., 1939. Т. I. С 147.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Вансов А – Хоразм вилоят педогогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Хоразм вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: туризм секторлари, Мустақиллик йиллари, Ўзбекистон, Хоразм воҳаси

Аннотация: в статье освещено вопросы развития сферы туризма в Хорезмской области в годы независимости Республики Узбекистан.

Ключевые слова: сферы туризма, годы независимости, Узбекистан, Хорезмский регион

Abstract: the article is devoted to the issues of developing sector of tourism in Khorezm region during the independence years of Uzbekistan.

Key words: sector of tourism, independence years, Uzbekistan, Khorezm region

Инсоният тамаддуни ўчоқларидан ҳисобланмиш бу кўҳна юртда не-не буюк алломалар, қомусий олимлар, аҳли донишлар, авлиё-анбиёлар етишиб чиққан. Истиклол туфайли юртимиздаги қадим шаҳарлар ва қалъалар, маданият ўчоқларини кўриш, зиёрат қилиш учун етти иқлимдан келаётган сайёҳларнинг сони йилдан-йилга ошмоқда. Хоразм воҳаси ўзининг қадимий тарихи, ноёб маданияти, нафис санъати, юксак маърифати, доно фалсафаси ва инсонпарварлиги билан маълум ва машҳурдир²⁸.

Мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш жараёнида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат соҳасига

инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги тармоғида ислохотларни жадаллаштириш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари каби қатор мажмуий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ҳамда ҳудудга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида қабул қилинган устувор дастурларни ҳам шу йўналишдаги муҳим ҳужжатлардан дейиш мумкин.

“Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматларнинг экспорт потенциалини ошириш бўйича 2012-2015 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган манзилли чора-тадбирлар тўғрисида”ги дастур юзасидан бизнес форумлар ташкил этилиб, унга мувофиқ, Урганч шаҳрида - 7, Хива шаҳрида 6 та янги меҳмонхона қурилиши мўлжалланган. Боғот туманидаги “Қалажиқ қалъаси” атрофида жойлашган, шифобахш хусусиятга эга бўлган кўл негизида даволаш-соғломлаштириш туристик мажмуасини ташкил этиш, Ҳазорасп тумани Ҳазорасп қалъасида туристик инфра-тузилмани шакллантириш, Хива туманидаги “Чодра”, “Боғишамол” боғларида “Сайёҳлар боғи”ни барпо этиш кўзда тутилган.²⁹ Иштирокчи тадбиркорлар ва кичик бизнес вакилларининг Хоразм вилоятига ташриф буюришлари учун барча туманлар ҳокимликлари томонидан тегишли шарт-шароитлар яратилиши хусусида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қароридан кейин воҳада олиб борилаётган

²⁸ И.Каримов. Миллат кудрати-хамжиҳатликда.”Халк сўзи” 1999 йил 26 март.

²⁹ “Биржа” 2012 йил 16 февраль

бунёдкорлик ишлари бутун мамлакатимизда бўлганидек, одамлар кучига куч, ғайратига ғайрат кўшмоқда. Истиқлол йилларида Хоразм воҳасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда мислсиз юксалишлар юз берди. Бугун, айниқса, вилоятнинг ҳар бир шаҳар, туманида, қишлоқ ва маҳалласида халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Мисол тариқасида 2013 йили Урганч шаҳрида 424 та объектда 476,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилган бўлса, жорий йилда 706 та объектда 608,5 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари³⁰ давом этаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Мустақиллик йилларида Ислоҳ Каримов раҳнамолигида туризм инфратузилмасини изчил ривожлантиришга, айниқса сайёҳликни тараққий эттиришга катта эътибор берилмоқда. “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори асосида вилоятимизда истиқболли соҳа - сайёҳликни янада равнақ топтириш, хусусан, экотуризм йўналишида янги-янги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари изчиллик билан давом этмоқда. Дастур доирасида воҳада икки юздан зиёд лойиҳа амалга оширилиши кутилмоқда.

Хоразм вилоят ҳокимлигида 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган мажлисида, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдаги йигирма биринчи сессиясида туризм инфратузилмасини такомиллаш-тириш, туризм соҳасига инвестициялар жалб этиш ишларини фаоллаштириш, кадрлар тайёрлаш, сайёҳлик хизматларининг сифатини ошириш, вилоятнинг туризм соҳасидаги салоҳиятини хорижда кенг тарғиб қилиш, шунингдек, халқаро

туризм ташкилотлари ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни фаоллаштириш борасидаги вазифалар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилган эди.³¹ 2011-2012 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорт салоҳиятини оширишга доир манзилли чора-тадбирлар Дастурига асосан туристик ташкилотлар сони 35 тага кўпайди. Айни пайтда Урганч ва Хива шаҳарларида янгидан 6 та меҳмонхона қурилмоқда.³²

Шунингдек, бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Туризмни ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва улардан унумли фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

2. Туризм салоҳиятини ошириш мақсадида, янги туризм йўналишларини очишга доир таклифларни жаҳон туризм сервис тажрибаларини ўрганган ҳолда тайёрлаш;

3. Туризмни ривожлантириш бўйича салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, инновацион лойиҳалар асосида таклифлар тайёрлаш.

Маълумки, Хоразм воҳаси республикада ўзига хос аҳамиятга эга, Хоразмнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, урф-одатлари, фантазлим тараққиётида туганган ўрни ва гўзал табиати ҳеч кимни безътибор қолдирмайди. Республикадаги соҳа мутахассислари томонидан қуйидаги таклифларни ҳаётга татбиқ қилиш ва уни амалга ошириш воҳа туризм инфратузилмаси имкониятларини кенгайтиради. Масалан:

1. Жалолiddин Мангуберди мажмуаси

Мажмуа Урганч шаҳри марказида Хивадан 25 км. узоқликда жойлашган.

³⁰ Хоразм вилояти жорий архиви материаллари.

³¹ Хоразм вилоятининг 2011 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти. Вилоят статистика бошқармасининг материаллари. – Урганч, 2012. – Б.44.

³² Чуқур таҳлил ва танқид асосида “Хоразм ҳақиқати” газетаси. 30.07.2012

Мажмуа 1999 йилда Жалолоиддин Мангубердининг 800 йиллигига бағишлаб ташкил этилган. Умумий ер майдони 10 гектар бўлиб, ёдгорликнинг баландлиги 20 метр.

Амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар:

Жалолоиддин Мангуберди тарихига доир доимий кўргазма ташкил этиш;

мажмуа ён атрофини ободонлаштириш ва замонавий санитария талабларига жавоб берадиган ҳожатхона ташкил этиш; совғалар ва яхна ичимликлар билан савдо қилувчи шахобчалар ташкил этиш.

2.Суратлар галереяси.

Урганч шаҳри марказида, Хивадан 25 км. узоқликда жойлашган. Бино 1912 йилда қурилган ва ер майдони 530 кв.м ни ташкил этади. Экспонатлар сони 650 донани ташкил этади.

Амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар:

Бинони қайта таъмирлаш, ён-атрофини ободонлаштириш ва замонавий санитария талабларига жавоб берадиган ҳожатхона ташкил этиш;

совғалар ва яхна ичимликлар билан савдо қилувчи шахобчалар ташкил этиш.

3.Авесто майдони

Урганч шаҳри марказида, Хивадан 25 км. узоқликда жойлашган. Умумий ер майдони 20 гектар. Ёдгорликнинг баландлиги 18 метрни ташкил этади. 2001 йилда “АВЕСТО” китобининг 2700 йиллиги муносабати билан ташкил этилган.

Амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар:

Яхна ичимликлар ва ҳунармандчилик буюмларининг савдо растасини ташкил этиш;

замонавий санитария талабларига жавоб берадиган ҳожатхона ташкил этиш; вело йўлакчалар ташкил этиш.

4.Ҳожа Юсуф Ҳамадоний ёдгорлиги

Ёдгорлик Шовот тумани Бешмерган кишлоғида, Хивадан 40 км. узоқликда жойлашган. Ёдгорликда уч буюк авлиё Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, Ҳожа Абдулқодир Филоний ва Ҳожа Сайид Али Ҳамадоний зиёратгоҳлари жойлашган. Мазкур жой азалдан зиёратгоҳ бўлиб, ҳар йили оммавий халқ сайиллари ташкил

қилинган. Бу ерга ихлос билан келган беморлар дардига шифо топган.

Амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар:

Реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва санитария ҳолатини кўриб чиқиш, ёдгорликка етиб боргунга қадар бўлган йўллارни тартибга келтириб, маиший хизмат кўрсатиш объектлари (ҳунармандлар растаси, дўкон, ошхона, ҳожатхона ва бошқалар) ни ташкил этиш ҳамда чиллахоналарни қайта таъмирлаш лозим. Илгари бўлгани каби ёдгорликда халқ сайиллари, кўнгилочар томошалар – кураш, кўчқор уриштириш, дарбоз ўйини, масхарабозлик, бахши ва халфачилик, ашула ва рақс санъатларини намойиш этиш лозим.

5.Қатқалъа қалъаси

Қалъа - Шовот туманининг жануби - ғарбида, Хивадан 45 км. узоқликда жойлашган. Археологик тадқиқотларга кўра, милoddан аввалги V асрга оид, майдони 8,5 га. Қалъа қадимда муодофаа девори сифатида бунёд этилган бўлиб, ҳозирда ер устки қисмлари йўқолиб кетган. Қалъа XVI асрда Анушахон томонидан қайта қурилган.

Амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар:

Реставрация қилиш, ободонлаштириш ва санитария ҳолатини кўриб чиқиш, қалъага етиб боргунга қадар бўлган йўллارни тартибга келтириб, маиший хизмат кўрсатиш объектларини (ҳунармандлар растаси, дўкон, ошхона, ҳожатхона ва бошқалар) ташкил этиш;

Музей ташкил этиб, ушбу музейда қалъада ҳаёт мавжуд бўлган даврнинг архитектуравий макетини тайёрлаш ҳамда археологик топилмаларни жойлаштириш, шунингдек мазкур музейда қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи суратлар ва ҳайкалларни жойлаштириш лозим.

Хоразм вилоятида мавжуд экотуризм турлари ва уларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, чўл ҳудудларига туялар қарвонларини ташкил этган ҳолда, сайёҳларни жалб этиш; чўлдаги ўсимликлар, қум барҳанлари манзараларини томоша қилиш учун

туристларни жалб этиш; тўқайзорлар манзаралари ва уларнинг ўсимлик дунёси билан туристларни таништириш; Амударёнинг тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларига (Александр Македонский, Жалолиддин Мангуберди, Чингизхон каби шахслар билан боғлиқ) туристларнинг ташрифини ташкил этиш каби имкониятларнинг мавжудлигини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда туризм соҳасидаги Хоразм вилояти статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 256 та маданий мерос объектлари, шу жумладан 18 та археология ёдгорликлари, 134 та меъморчилик ёдгорликлари, 66 ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 6 та диққатга сазовор жойлар ва 32 муқаддас жойлар мавжуд; Дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан йилига 55 мингга яқин хорижий туристлар вилоятга ташриф буюради; Ҳозирда туризм хизматларининг йиллик экспорт ҳажми 10 млн. АҚШ долларида ошиб кетган.

Туризм соҳасида 40 тадан ортиқ корхона, шундан 27 та меҳмонхона ва 9 та турфирма ҳамда бошқа кўплаб сервис хизмати субъектлари фаолият юритмоқда; Вилоятда туризм соҳасида 15 минг нафардан ортиқ фуқаролар банд бўлиб, уларни бир неча баробарга ошириш имкониятлари мавжуд. Хорижий туристларнинг вилоятда бўлиши қарийб 1,5 суткани ташкил этади, ўртача бир кунлик харажатлари эса 130 АҚШ долларида ортиқ. Мавжуд меҳмонхоналарнинг йиллик ўртача банд бўлиш кўрсаткичи 40-45 фоизни ташкил этган бир пайтда, туризм мавсумида хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналарда жой этишмаслиги кузатилади.³³ Хоразм вилоятини янада тараққий эттириш, унинг ёрқин келажagini таъминлаш йўлида азму шижоат ва фидойилик кўрсатиш барчамизнинг келажак авлод олдидаги шарафли вазифамиздир.

³³ Хоразм вилояти статистика бошқармаси тўплами. - Урганч, 2013.

ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ МАҚСАДЛАР

Доцент Давлетов С.Р. – Урганч давлат университети маънавият ва маърифат ишлари проректори

Аннотация. ушбу мақолада чиқиндиларни бошқариш соҳасида хорижда эришилган илгор тажрибалар ва миллий стратегия ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: чиқиндилар, стратегия, қонун, зарарсизлантириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик барқарорлик

Аннотация. в данной статье приводятся размышления о международном опыте и национальной стратегии в сфере управления отходами.

Ключевые слова: отходы, стратегия, закон, обезвреживание, переработка отходов, экологическая устойчивость

Abstract: this article provides reflections on international experience and national strategy in the field of waste management.

Key words: waste, strategy, law, disposal, recycling, environmental sustainability

Ҳозирги кунда чиқинди муаммоси сайёраимизда жиддий масалалардан бирига айланган. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ошмоқда. Статистик маълумотларга караганда, бугун дунёда чиқиндиларнинг фақат 2 фоизи қайта ишланади. Бир қисми ёндириб юборилса, қолгани махсус жойларда кўмилади. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндилар (ҚМЧ)ни чиқинди полигонларига олиб чиқиб ташлаш бу муаммони вақтинчалик ҳал этиш йўли бўлиб, бундай тадбир экологик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш мезонларига зиддир. Чиқинди полигонларини истаганча кенгайтиришнинг иложи йўқ. Шу сабабли ҚМЧни қайта ишлаш ва улардан

фойдаланиш масаласи барча давлатлар учун долзарб аҳамиятга эга масаладир. Умуман олганда жаҳон тажрибасида ҚМЧни қайта ишлашнинг қуйидаги 4 услуби мавжуд: иссиқлик ёрдамида қайта ишлаш (асосан куйдириш), биотермик йўл билан компостлаш (ўғит ёки биоёқилғи олиш), анаэроб йўл билан ферментациялаш (биогаз олиш) ҳамда саралаш (қимматли компонентларни, зарарли ва кераксиз компонентларни, қайта ишлаш мумкин бўлган компонентларни ва хоказоларни ажратиб чиқиш).

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жой эҳтиёжларини таъминлаш учун йил давомида 20 тонна турли хом-ашё сарфланиб, фақат 5-10 фоизи яқиний тайёр маҳсулотга айланмоқда, қолган 90-95 фоизи чиқитга чиқиб кетмоқда. Бундан ташқари, тайёр истеъмол маҳсулотларининг бир қисми ҳам турли сабабларга кўра истеъмолдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келмоқда.

Шунинг учун ҳам сўнгги вақтларда жаҳон жамоатчилиги орасида "Zero Waste" тушунчаси пайдо бўлди. Унга кўра, аслида табиатда чиқинди умуман бўлмайди, балки такрор фойдаланиш эҳтимоли мавжуд бўлган маҳсулот бор. Яъни бирор буюм шунчаки чиқиндига чиқариб юборилмайди, аксинча иккиламчи қайта ишланиб, истеъмол учун яроқли ҳолга келтирилади.

Дунё тажрибасида шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларни аҳоли пунктларидан узокқа чиқариб ташлаш, утилизация-зарарсизлантириш ишларини қонунлар орқали бошқариш йўлга қўйилиб, бу борадаги муаммоларни камайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, Сингапурда сигарета қолдиғи махсус белгиланган жойга эмас, исталган жойга ташланса 500 АҚШ доллари,

чиқинди тўғри келган жойга тўқилса, 1000 АҚШ доллари миқдорида жарима солинади.

Швейцарияда атроф-муҳитга зарар етказиладиган ана шундай хатти-ҳаракатлар содир этилса, табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти дарҳол хабар топади. Табиат қўриқчилари худди ўт ўчирувчилар каби тезкорлик билан етиб келиб, ноқонуний ҳаракат бартараф этилади. Айбдор аниқланиб, катта миқдорда жарима солинади.

Германия биринчилардан бўлиб чиқиндиларни алоҳида тўплашни жорий қилган мамлакат ҳисобланади. Ушбу мамлакатда ҳозирги кунда чиқиндиларни қайта ишлаш саноати алоҳида соҳа сифатида тўлиқ шаклланган.

Финландияда полигонларда чиқиндилардан сиқиб олинган “шарбат”лар қайта ишланиб, ичишга яроқли сув даражасига келтирилади. Полигонлардаги барча агрегатлар чиқиндиларнинг айнаши натижасида ажралиб чиқадиган метан гази асосида ишлайди.

Жанубий Кореяда 90-йиллар ўртасидаёқ ахлатни полигонларда очик ҳолда кўмиш ва ёқиб юборишдан воз кечилган. У ерда ҚМЧ ларни алоҳида йиғиб, утилизация қилиш, яъни уларни қайта ишлаб тўлиқ фойдаланишга қаратилган давлат дастури амалга оширилмоқда.

Японияда резина ва кабел буюмларининг 34 фоизи, шиша буюмларининг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинади. Ушбу мамлакатда айниқса, чиқиндиларни тўплаш борасида қатъий тартиб жорий қилинган. Чиқиндилар учун қоидалар кўплигидан ҳукумат аҳоли учун махсус қўлланма ҳам ишлаб чиққан.

АҚШда эса "Чиқиндини қайта ишлаш" халқаро куни кенг миқёсда нишонланади. Бундан мақсад – жамоатчилик эътиборини ушбу муаммога жалб қилишдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, мамлакатимизда йилига ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил

бўлиш миқдори 100 миллион тоннани ташкил этади. Унинг 35 млн. тоннаси маиший чиқиндилар бўлиб, улар шаҳар ва қишлоқ чиқиндиларига жойлаштирилмоқда. Бундай махсус жойларда айни пайтда 2,4 млрд. тоннага яқин саноат ҳамда 71,9 млн. метр куб маиший чиқиндилар сақлангани ҳолда, улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турибди.

Мамлакатимизда утилизация қилинадиган чиқиндилар 2 % ни ташкил этади. Ўз навбатида ўртача ҳар 1 млн. тонна маиший чиқинди билан 360 минг тонна озик-овқат чиқиндилари, 160 минг тонна қоғоз ва картон, 55 минг тоннага яқин текстиль, 45 минг тоннага яқин пластмасса ва бошқа қимматли компонентлар йўқотилишини таъкидлаш керак.

Зеро, чиқиндиларни қайта ишлаш – ҳозирги даврнинг даромадли соҳаларидан бири бўлиши билан бирга ҳам экологик, ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муаммони бартараф этишнинг ягона йўлидир. Чунки, бу соҳада биринчидан чиқиндиларга барҳам бериш орқали уларнинг экологик ва ижтимоий хавфлари камайтирилса, иккинчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ўзида ҳам қиммат турувчи бирламчи хом-ашёни сотиб олишга эҳтиёж қолмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, чиқиндиларни бошқариш тизими – чиқиндини йиғиш, ташиш, сақлаш, ишлов бериш, иккинчи марта фойдаланиш ёки утиллаштириш жараёнларини қамраб олади.

Юртимизда чиқиндиларни бошқариш борасида ўтган даврда “Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режаси” амалга оширилди.

БМТ ТД ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва

харакатлар режаси” ишлаб чиқилди ва мазкур ҳужжат чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда амалга ошириладиган ишларнинг стратегик йўналиши ва мувофиқлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор аввало, чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга ва уларни қисқартиришга, имкон даражасида улардан қайта фойдаланиш ҳамда иккиламчи қайта ишлашга қаратилган.

Бугунги кунда юртимизда 70 га яқин чиқиндиларни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар фаолият юритаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, биргина Тошкент шина тиклаш заводида 1,5 минг тонна чиқинди қайта ишланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги “Таркибида симоб моддаси бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Андижон, Фарғона, Навоий, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида симобли лампа ва ускуналарни утилизация қилиш корхоналари фаолияти йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоиз, мустақиллик йилларида мамлакатимизда чиқиндиларни бошқаришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шу кунга қадар чиқиндиларни бошқариш бўйича қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

- Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни, №362-П, 05.04.2002 й.;

- Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, № 754-ХП, 09.12.1992 й.;

- Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни, № 73-П, 25.05.2000 й.;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитар назорати тўғрисида”ги қонуни, № 657-ХП, 03.07.1992 й.;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 йилдаги №491 қарорига илова №1 “Ўзбекистон Республикасида экологик экспертиза тўғрисида” низом;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 йилдаги №491 қарорига илова №2 “Давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхати”;

- “Ўзбекистон Республикаси шароитида аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларни тозалашнинг санитар қоидалари ва меъёрлари”, Давлат бош санитар врачлари томонидан №0297-11 рақами билан 27.08.2011 йилда тасдиқланган;

- “Ўзбекистон Республикаси шароитида саноат чиқиндиларини йиғиш, Инвентаризация қилиш, классификациялаш, сақлаш ва утилизация қилиш бўйича санитар қоидалар ва меъёрлар”, Давлат бош санитар врачлари томонидан № 0300-11 рақами остида 16.11.2011 йилда тасдиқланган;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги № 194 қарорига илова №3 “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидалари”.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлда қабул қилинган “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида тўплаш мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш борасида навбатдаги қадам бўлди.

Мутахассислар фикрига кўра, пластик идишнинг тўлиқ парчаланиши учун камида 700 йил талаб этилади. Пластик идишлар, полиэтилен пакетлар ва бошқа чиқиндилар сув ҳавзаларига тушиб, атроф-муҳит зарарланишига сабаб бўлади ва инсон саломатлиги учун хавф туғдиради. Энергия берадиган асбоблар (батарея ва аккумулятор) нинг биргина элементи 20 квадрат метр ерни захарлаб,

унинг таркибидаги оғир металллар тупрок ва ерости сувларига сингади.

Мамлакатимизда жорий этилган янги тартиб-қоидаларга мувофиқ истеъмолчилар каттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида пакетларга жойлаштириши керак. Пластмасса, металл (турлари бўйича), шиша буюмлари, қоғоз чиқиндилари, шунингдек, биочиқиндилар ва қайта ишланмайдиган ҳамда утилизация қилинмайдиган бошқа чиқиндилар алоҳида сараланиши лозим. Чиқинди тўплаш шохобчалари чиқиндиларни алоҳида тўплаш учун ранги, белгиси ва ёзуви билан ажралиб турадиган махсус контейнерлар билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари, таркибида симоб бўлган лампалар қабул қилиш шохобчаларидаги махсус контейнерларга жойлаштирилади.

Мазкур амалга оширилаётган чоралар - чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш соҳасининг мамлакатимизнинг экологик-иқтисодий сиёсатининг бир қисмига айланиб бораётганлигини кўрсатади. Экологик барқарорликни таъминлаш йўлидаги бу ишлар орқали республикамиздаги шаҳарлар, аҳоли пунктлари озодалиги ва санитария-эпидемиология ҳолати яхши сақлаб турилиши таъминланади.

Аммо, бу ишни тўлақонли амалга оширишда аҳоли асосий роль ўйнаб, мазкур жараёнда энг бошланғич босқичда фаол иштирок этишини тақозо этади. Бу борада шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ижрочилар чиқиндилардан иккиламчи хом-ашё сифатида фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашишлари, чиқиндилардан имкон қадар иккиламчи тарзда фойдаланиш учун комплекс чора-тадбирлар кўришлари, уларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланаётган бошқа юридик ва жисмоний шахсларга топширишлари муҳим шартлардан биридир.

Хулоса сифатида айтиш жоиз, юртимизда сўнгги йилларда чиқиндиларни бошқаришда тизимли ёндашувни йўлга қўйиш энг муҳим масалалардан бирига айланган. Бу борада соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, чиқиндиларни бошқаришни самарали йўлга қўйиш – атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда энг асосийси барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни, №362-П, 05.04.2002 й // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 72-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги №194 қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 30-сон, 368-модда.

3. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (1988-2007). Т.: Chinor ENK, 2008. 229 с.

4. Абдуллаева Д. Законодательная основа управления твердыми бытовыми отходами в Узбекистане // Экологическая безопасность и гражданская инициатива. – Т. Издательство «Фан» АН РУз, 2006. – С. 14.

5. Материалы семинара-тренинга на тему: «Ответственность руководителей в принятии экологически обоснованных и сбалансированных решений», Нукус, 9-10 октября. 2014 г. – 115 с.

6. Коммунал хизматлар такомиллаштирилмоқда. 11.08.2014 // Ҳуқуқ ва бурч (www.huquqburch.uz).

“ИЧОН ҚАЛЪА” – ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК ШАҲАР
(2013-2014 ўқув йили этнографик дала амалиёти ҳисоботлари асосида)

Тарих фанлари номзоди Жуманиёзова М.Т. – Урганч давлат университети доценти

Аннотация: мазкур мақолада 2013-2014 ўқув йили этнографик дала амалиёти ҳисоботлари асосида Хива “Ичон қалъа” давлат музей-қўриқхонасисининг этнографик қиёфаси кўрсатилган.

Калим сўзлар: “Ичон қалъа”, этнографик дала амалиёти, сувенирлар, бозорлар, музейлар, анкета-сўровнома

Аннотация: в данной статье освещается этнографический облик «Ичан-калы» на основе собранных материалов во время этнографической практики студентов исторического факультета в 2013-2014 учебном году.

Ключевые слова: «Ичан-кала», этнографическая практика, сувениры, базары, музеи, анкета-опрос.

Abstract: in this article the ethnographic view of “Ichon-qala” in Khiva was enlightened according to the reports of ethnographic field practice of 2013-2014 academic year.

Key words: “Ichon-qala”, ethnographic field practice, souvenirs, bazaars, museums, questionnaires

Турли хил табиий офатлар ва иқтисодий-ижтимоий бўҳронларга дош бериб келаётган шаҳарлардан бири Хивадир. Унинг қиёфасида кўҳна Хоразмнинг этнографияси мужассамлашган. Айниқса, шаҳарнинг қадимий ёдгорликлар сақланиб қолган қисми, бугунги кунда очиқ осмон остидаги музей шаҳар сифатида ғоят қимматлидир. Хиванинг ЮНЕСКО томонидан умумжаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлари рўйхатида киритилиши эса биз учун фахрлидир.

“Ичон қалъа”га киришимиз билан ўзимизни гўё ўрта асрларга тушиб қолгандек ҳис қиламиз. Ундаги ажойиб монументал бинолар ўша замоннинг мавж уриб турган меъморчилик ва нақш

ўймакорлиги санъатини ўзида акс эттирган. “Ичон қалъа” обидаларининг ўз ҳолатида сақланиши, бозорлар, дўкон расталарининг тузилиши, уларда таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг миллийлиги шаҳарнинг этнографик ҳудуд эканлигига шубҳа уйғотмайди.

Ҳар йили Урганч давлат университети ректорининг буйруғи билан Тарих мутахассислиги 2-курс талабалари тарих таълим йўналиши ўқув режасида кўрсатилган этнографик дала амалиётини ўташ учун вилоятимизнинг тарихий ҳудудларига сафарбар этилади. 2013-2014 ўқув йилидаги амалиёт давомида асосий объект қилиб Хива “Ичон қалъа” музей қўриқхонаси танланди. Гарчи амалиётдан кўзланган асосий мақсад талабаларда дала - этнографик амалиёти кўникмаларини шакллантириш ва Этнографик дала амалиёти илмий тадқиқот услубларидан фойдаланишни амалий ўргатишдан иборат бўлса-да, “Ичон қалъа” - тарихий этнографик шаҳар эканлигини ўрганиш бош мавзу қилиб олинди. Амалиёт кафедрода тасдиқланган умумий режа, мавзулар ва ҳар бир талабанинг иш режаси асосида олиб борилди. Режалаштирилган мавзулар ниҳоятда қизиқарли бўлганлиги сабабли талабалар бир ҳафта мобайнида “Ичон қалъа”нинг этнографиясини диққат билан ўргандилар. Амалиётнинг биринчи кунда талабалар фақат шаҳарни айланиб, ўз мавзулари бўйича кузатув олиб бордилар. Кейинги кунларда айнан танланган объектларда ишловчилар билан суҳбат ташкил қилинган бўлса, амалиётнинг 5-6 кунлари хунармандларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этдилар. Амалиётнинг икки куни анкеталар тарқатиш ва йиғиб олишга ажратилди. Сўнгра йиғилган маълумотларнинг барчаси манбалар билан солиштирилди ва ҳисоботлар топширилди.

“Ичон қалъа”нинг этнографик ҳудуд эканлигига бағишланган 26 та мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари бу ҳудуд ҳақида қуйидагича хулосалар чиқариш ва таклифлар бериш заруриятини туғдиради.

1. Сувенирлар тарихига бағишланган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳудуд дўконлари ва расталари совға сувенирларга жуда бой. Уларнинг ичида энг кўпчилиги Хиванинг кўрки ва фахри бўлган Ислохўжа минораси ва Калтаминор акс эттирилган сувенирлардир. Унинг стол устига қўйиш учун мўлжалланганлари харидоргир, Харидорлиги жиҳатидан иккинчи ўринда тандирда нон ёпаётган аёл ва қовунтарвуз сотаётган деҳкон ифодаланган туридир. Хоразм раққослари ифодаланган сувенирлар жуда кам. Дўкондорлар томонидан матолардан ясалаётган сувенир-кўғирчоқлар, жун-сувенирлар (масалан пайпоқ, кўчқор), гиламчиликка оид сувенирлар фақат хорижий сайёҳлар томонидан харид қилинмоқда. Маҳаллий аҳоли томонидан эса фақат меҳмонлар учунгина сотиб олинмоқда. Баъзи бир сувенирлар Фарғона ва Бухородан олиб келинган ва уларда ўша ҳудудларнинг урф-одатлари акс этган. Масалан, супада чойхўрлик қилаётган отахонлар. Бундай манзарани водий гузарларида кўрамиз.

2. Ўрганилган иккинчи мавзу бу - “Ичон қалъа”да жойлашган уйлар, кўчалар ва бозорлари этнографиясини тадқиқ қилишга қаратилган эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳудудда жойлашган уйларнинг ташқи ва ички кўриниши, шунингдек тузилиши, кўчаларнинг тузилиши ва жиҳозланиши, бозор қиёфаси ва расталардаги молларнинг кўпчилиги ўзининг ўрта асрлардаги анъанавий кўринишини 80%га сақлаб қолган. Зеро, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. “Ичон қалъа”нинг очик осмон остидаги музей эканлигини ҳисобга олсак, ундаги барча объектлар унинг ҳимоясидадир. Давлат томонидан бу ердаги уйлар, кўчалар ва объектларга замонавий кўриниш бериш тақиқланган. Янги уйлар қурилиши тақиқланганлиги

сабабли аҳоли шаҳарнинг бошқа қисмларидан ер майдони олиб уй қурадилар ва кўчиб кетадилар.

3. “Ичон қалъа” объектлари этнографияси ниҳоятда қизиқарлидир. Музейларга киришимиз билан бинонинг ўзиёқ буткул халқ анъаналари асосида қурилганлигининг гувоҳи бўламиз. Калтаминор ва унга туташ Жума масжид Хоразм меъморчилиги ва ёғоч ўймакорлигининг ёрқин намунаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Айниқса, Жума масжид ичра ҳукм сураётган сокинлик кишини чўл бағрида асрайдиган салқин маскан ва бетакрор улкан айвондир. “Ичон қалъа”да жуда кўплаб зиёратгоҳлар борлигини кўрамиз. Улар ичида кишилар энг кўп ташриф буюрадиган маскан Паҳлавон Маҳмуд макбарасидир. Унинг ҳовлисида жойлашган Хива кудуғи эса, воҳа аҳолисининг анъана, урф-одат, ирим-сирим, диний тафаккурларини яққол акс эттирувчи ташриф объектидир. Хива зиёратгоҳларида бажариладиган амаллар бутун бир этнографиядир.

4. “Ичон қалъа” Хоразм этнографиясининг жонли ҳаёт акс этадиган музейидир. Унда фаолият кўрсатаётган юзлаб дўконлар ўрта аср ҳаётини акс эттиради. Натурал ишлаб чиқаришга асосланган бу дўконлар нафақат дўкон, балки натурал хўжалиқдир. Қалъа аҳолиси кўл ҳунармандчилигининг барча турлари бўйича маҳсулотлар ясайдилар ва жойида сотадилар. Гиламлар, сўзаналар, ёғочдан ишланган турли хилдаги маҳсулотлар (дарвоза, эшик, стол, стул, супа, бешик, кутичалар, ҳассалар, лавҳлар ва ҳоказолар), сопол буюмлар, матолар, тайёр кийимлар, ҳамма-ҳаммаси анъанавий халқ ҳунармандчилигига асосланган.

5. Амалиёт давомида тадқиқ этилган энг қизиқарли мавзулардан бири кафе, чойхона, ошхона, ресторан ва меҳмонхоналар этнографиясидир. Уларнинг деярли барчаси тарихий объектларда жойлашган. Бу овқатланиш ва дам олиш масканларининг жиҳозлари замонавий услубда, аммо безаклар

анъанавийликни акс эттиради. Тайёрланаётган таомлар эса хўрандаларнинг истагига асосланган. Худудда фақат анъанавий миллий таомлар тайёрланадиган ёки фақат анъаналар асосида жиҳозланган биронта ошхона, кафе, ресторан ёки меҳмонхона йўқ.

6. Тадқиқ этилган ғоят қизиқарли мавзулардан бири “Ичон қалъа”нинг харидоргир расталари ҳақида эди. Етти кун давомидаги кузатишлар шуни кўрсатадики, энг харидоргир расталар Пахловон Маҳмуд мақбараси олдидаги сотув расталаридир. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос сабаби бор. Авваламбор, бу ер энг кўп меҳмонлар ва зиёратчилар ташриф буюрадиган маскандир. Зиёратчиларнинг аксарияти бирон мушқули осон бўлиши ёки мана шу жой сабабли қандайдир ғам-ташвишларидан холи бўлганлиги туфайли қадамжога ташриф буюрадилар. Уларнинг деярли барчаси мақбара олдидаги расталардан *ташвишларни эритувчи* деб билган буюмларини ва яна ўз таниш билишлари учун ҳам совғалар сотиб оладилар. Буюмларнинг харидоргир бўлишида сотувчиларнинг роли катта. Улар бу ердаги буюм ёки совғалар “*ҳар қандай диний ва дунёвий муаммолардан, ташвишлардан кишиларни қутқарувчи восита*” эканлиги ҳақида тинмай гапирдилар ва бу билан ўз харидорларини кўпайтирдилар. Расталарда асосан, туморлар, кўзмунчоклар, билагузуклар ҳамда диний расм-русумлар ва иримларга бағишланган буюмлар сотилади. Уларнинг кўпчилиги Қуръони карим оятлари битилган буюмлар бўлса, катта қисми кўзмунчоклар қадалган ёки қалампир, туя жуни ва рангли тошлардан тайёрланган буюмлардан иборат.

8. Талабалар учун мулоқот вазифасини ўтайдиган услуб – бу Хива шаҳри тўғрисида чет эл ва маҳаллий меҳмонларнинг, шунингдек такси ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўлди. Сўров-сухбатлар натижаси шуни кўрсатадики,

такси ҳайдовчиларнинг аксарияти “Ичон қалъа” тарихини яхши билмайди, шу билан биргаликда бу тарихий жойни деярли тўлиқ томоша қилишмаган. Зеро, таксилар тўхташ жойи Ота дарвоза ва Боғча дарвозанинг шундоққина олдида жойлашган. Маҳаллий меҳмонларнинг аксарияти зиёратгоҳларга ташриф буюришларини айтдилар. Чет эл меҳмонларининг кўпчилиги овқатланиш ва яшаш шароитларининг яхши эмаслиги ҳақида гапирсалар, баъзи бирлари туристик маскан бўлса-да, туризм унчалик ривожланмаганлиги ва яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳақида тўхталдилар.

9. Амалиёт давомида “Ичон қалъа” объектларини томоша қилиш учун кетадиган ўртача вақт миқдорини ҳисоблаб чиқиш энг қизиқарли вазифалардан бири бўлди. “Ичон қалъа” худудида жойлашган тарихий объектлар сони 54 та. Ҳар бир объектни ҳеч қандай тушунтиришларсиз, шунчаки айланиб чиқиш учун ўртача 7 минут вақт кетади. Демак, 6 соат-у 30 минутда қалъа ҳақида бошланғич тасаввурга эга бўлиш мумкин экан. Шаҳарни батафсил томоша қилиш ва тўла маълумот олиш учун эса кишининг қизиқишига қараб ўртача 3-кундан 7 кунгача вақт кетади. Маҳаллий аҳоли асосий вақтини зиёратгоҳлар ва сотув расталарига сарфлаши аниқланди.

10. Амалиётнинг якунида қалъа аҳолиси ва меҳмонларидан, шунингдек амалиётчи талабалардан ҳам “Ичон қалъа”га ёзги саёҳат тафсилотлари” мавзусида анкета-сўровнома ўтказилди. Жавоблар деярли бир хил. Чет эл меҳмонлари овқатланиш, сув муаммоси ва ҳавонинг каттиқ иссиқлиги туфайли бу ерга баҳор ва кузнинг дастлабки ойларида келиш афзаллигини таъкидладилар. Маҳаллий меҳмонлар ҳам ёзда иссиқдан анча азият чекиш мумкинлиги, фақат эрталаб соат 7.30 дан - 10.00 гача, кечқурун 19.00 дан кейин қалъани томоша қилиш яхши эканлиги ҳақида маълумот бердилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш зарурки, ҳафта давомида ўтказилган амалиёт

натижасида жуда кўплаб ёзма ва оғзаки маълумотлар тўпланди. Фотоальбомлар, аудио эшиттиришлар, видеотасвирлар тайёрланди. Амалиёт давомида кўлга киритилган ютуқлар www.etnoxorazm.uz сайтига жойланди. Энг асосийси талабалар дала амалиёти кўникмалари

ҳосил қилиш билан биргаликда, этнографик дала тадқиқоти методларини ҳам ўргандилар. Ниҳоят шуни таъкидлаш зарурки, амалиётчиларда ўз тарихини, Хоразм воҳаси аҳолисининг этнографиясини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш истаги кучайди.

ТУПРОҚҚАЛЪА - АНТИК ДАВР МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ ХАЗИНАСИ

Каримов Я.А. – Урганч давлат университети Тарих кафедраси ўқитувчиси,
Садуллаев Д.Х. - Тарих факультети толиби

Аннотация: мақолада антик даврда барпо этилган Тупроққалъа ёдгорлиги таҳлил қилинади. Тупроққалъа антик даврда ўлкамиз жамиятида кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларни ўрганишида ўзига хос ўрин тутади.

Калим сўзлар: Тупроққалъа ёдгорлиги, Қадимги Хоразм, археологик ёдгорликлар

Аннотация: в статье анализируется крепость Тупроқкала, которая была построена в античном периоде. Тупроқкала имеет огромное значение в изучении социально-экономических и этнокультурных отношений в античном периоде.

Ключевые слова: памятник Топраккала, Древний Хорезм, археологические памятники

Abstract: in this article the fortress Tuprokkala is analyzed which was constructed in the ancient period. Tuprokkala has a great value in studying the socio-economic and ethno-cultural relationship in ancient period.

Key words: the fortress Tuprokkala, ancient Khorezm, archeological researches



XX асрнинг 30 йиллари ўрталаригача Куйи Амударё ҳавзасида антик даврга мансуб биронта тарихий обида археологик жиҳатдан ўрганилмаган эди. Тадқиқотчилар томонидан Хоразмшоҳ-

лар даврига мансуб шаҳарларнинг археологик жиҳатдан ўрганилиши натижасида мазкур тарихий даврни изоҳлайдиган ашёлар олинганлигини қайд этиш ўринлидир. Хоразм воҳаси антик даврга оид аҳоли масканларини археологик жиҳатдан ўрганилиши С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимларининг 1937 – 1940 йилларда олиб борган фаолияти билан боғлиқ. Мазкур тарихий йилларда Хоразм воҳаси ва унга табиий уланиб кетган Сарикамишбўйи ҳавзаларида 400 дан зиёд қишлоқ ва шаҳарлар қидириб топилди ва улар Хоразм археология харитасига жойлаштирилди. Таъкидлаш керакки, қайд қилинган ёдгорликларнинг аксарияти антик давр асосига эга. С.П.Толстов ва унинг сафдошлари томонидан топилган қишлоқ ва шаҳарлар элдошимиз Абу Райҳон Бериунининг “улар (хоразмликлар) дарёнинг ўнг ва сўл соҳилидаги сарҳадларда 300 дан зиёд шаҳарларни қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган” деб қайд қилган хулосаси ўзининг илмий исботини топган. Аждодларимиз томонидан антик даврда қад кўтарилган аксарият шаҳарлар занжири Оқчадарё ҳавзасида мавжуд бўлган.

Хоразм воҳасининг сўнгги антик даври шаҳарларидан бири Эллиққалъа туманидаги “Қизқалъа” фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган Тупроққалъа

ёдгорлиги ҳисобланади. Ёдгорлик Қирққизқалъадан Султон Увайс тоғи томон чиқарилган Тупроққалъа суғориш иншооти соҳилига туташган текисликда қад кўтарган. Ёдгорликнинг бино қилиниши Султон Увайс тоғи тизимига кирган пасттекисликда Тупроққалъа топономикасида маданий хўжалик маркази вужудга келиб, милодий II-III – IX асрларда марказ вазифасини бажарган. Шаҳарнинг тарҳи тўғрибурчак шаклда, 500x350 м, умумий майдони 17,5 га. Антик даврда икки қаторли девор билан ўраб олинган. Ташқи девор қалинлиги 2,20 см, ички томони эса 1,20 см, умумий девор қалинлиги – 6 м. Ташқи ва ички девор даставвал пахсадан, кейин квадрат

ғиштдан тикланган (40x40x10) бўлиб, ғиштларда турли-туман тамғалар мавжуд (икки нукта, турли ҳарфлар, тўлиқ ва ярим ой ва х.). Ташқи девор ён томондан тўғрибурчакли буржларга эга бўлиб, уларнинг ўртасидаги мудофаа майдони 27 м, олд томонга ўсиб чиқиши 5 м. Ташқи девор ва унинг буржи найза ўқли шинакларга эга бўлиб, улар ўртасидаги оралик майдон 1,10-1,30 см. Жанубий девор ўртасида дарвоза жойлашган бўлиб, унинг ташқи деворида буржлар мавжуд эмас. Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий бурчагида квадрат шаклда уч буржни бирлаштирган арк қад кўтарилган, унинг сақланиб қолган баландлиги 14 м.



1-расм. Тупроққалъа олд қисмининг кўриниши ва тарҳи

2-расм. Тупроққалъанинг шимоли-шарқий бурчак буржи тарҳи

Жанубий дарвозадан шимолий томонга кенглиги 9 м бўлган кўча ўтган бўлиб, шаҳарнинг ички тузилишини икки қисмга ажратган. Бу тарихий даврда квадрат ғиштли мудофаа девор, бурж ва дарвоза олди иншооти деворларида найза ўқли шинаклар бўлиб, уларнинг ички қисми кенглиги 20 см, ички қисми баландлиги 0,60 см, ташқи томонидаги узунлиги 1,70 м бўлган найза ўқли шинакларнинг ўқ чиқиш майдон йўналиши юқоридан паст томон кетган. Шаҳарнинг қурилиши уч тарихий даврдан иборат. У биринчи тарихий санаси даврида икки қаторли пахса девор билан ўраб олинган, иккинчи қурилиш даврида ташқи ва ички пахса деворга квадрат ғиштли девор бино қилинган (40x40x10

см). Дарвоза олди иншоот девори ҳам квадрат ғиштдан тикланади, натижада у ҳам юқори томон росланади. Учинчи қурилиш даврида ғиштли девор устки қисмига равоқ шаклга эга бўлган тўғрибурчакли йўлаклар барпо қилинган бўлиб, уларнинг қолдиқлари шимолий ва шимоли-шарқий бурчаги деворларида сақланиб қолган. Унинг ташқи шимолдаги деворда – 4 та, шарқда – 12 та, ғарбида – 12 та, жанубида – 4 та бурж аниқланди, дарвоза олди лабиринт деворида бурж мавжуд эмас. Умуман, Тупроққалъанинг ташқи мудофаа деворлари 32 та квадрат ва тўғрибурчакли буржларга эга бўлган. Ташқи ва ички деворлар равоқ девори билан бирлаштирилган бўлиб, улар

ўртасидаги йўлак кенлиги 2,50 см ташкил қилган.

